

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ
МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ
ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА**
Х У Л О С А

Тошкент - 2023 йил

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ.....	3
II. Макроиктисодий кўрсаткичлар	4
III. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ИЖРОСИ	5
IV. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ.....	43
4.1 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси	43
4.2 Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажат қисмининг ижроси	46
4.3 Республика бюджетидан 2022 йилда ажратилган мақсадли субсидиялар	60
4.4 Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ижроси	62
4.5 Бюджетлараро муносабатлар.....	63
4.6 Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари	66
4.7 Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича.....	72
4.8 Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва қонунийлиги ҳамда асослилигини баҳолаш бўйича.....	79
V. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ	81
5.1 Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижроси	81
5.2 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармасининг ижроси.....	83
5.3 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижроси	83
5.4 Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ижроси ...	85
5.5 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси	87
5.6 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси	90
5.7 Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси	93
5.8 Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг ижроси	96
5.9 Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси	97
5.10 Ахборот-коммуникация ва технологияларини ривожлантириш жамғармаси ижроси	99
5.11 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг ижроси.....	103
5.12 Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш жамғармасининг ижроси	104

5.13	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижроси.....	106
5.14	Давлат тиббий суғурта жамғармасининг ижроси	107
5.15	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасининг ижроси	109
5.16	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасининг ижроси	110
5.17	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасининг ижроси 112	
5.18	Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижроси	114
5.19	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг ижроси	118
5.20	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ижроси	120
5.21	“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасининг ижроси	121
5.22	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг ижроси	123
5.23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижроси	125
5.24	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасининг ижроси	127
VI.	ТАШҚИ АУДИТ ВА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ХУЛОСА	129

I. КИРИШ

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда Бюджет кодексида белгиланган тартибда Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 17 апрелда 03/1-439-сонли хат билан Ҳисоб палатасига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) томонидан тақдим этилган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йилдаги ижроси тўғрисида”ги ҳисобот (кейинги ўринларда - ҳисобот) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ғазначилик кўмитаси, Солиқ кўмитаси, Божхона кўмитаси, Марказий банк ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ва маълумотларни танлов йўли билан ўзаро таққослаш тартибида ўтказилди.

Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижалари тўғрисида тайёрланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш натижалари юзасидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига хулоса тақдим этилди.


II. Макроиктисодий кўрсаткичлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг бирламчи маълумотларига кўра, 2022 йил якунлари бўйича республикаимиз иқтисодиёти 2021 йилга нисбатан 5,7 фоизга ўсиб, ЯИМ ҳажми 888,3 трлн сўмни ташкил этган. Бунда, иқтисодий ўсиш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 6,6 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3,6 фоизга ҳамда хизматлар ҳажми 8,5 фоизга ошгани ҳисобига таъминланган.

Республикаимиз ЯИМ ўсишининг 0,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 0,4 фоизи қурилиш, 1,3 фоизи саноат, 3,2 фоизи хизматлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, маҳсулотларга соф солиқлар 0,1 фоизга камайган (1-расм).

1-расм

2022 йил ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси



Шу билан бирга, ҳисобот даврида ялпи қўшилган қиймат таркибида хизматлар соҳаси улуши 41,5 фоизни (2021 йилда 39,6 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги - 25,1 фоизни (26,5 фоиз), саноат - 26,7 фоизни (27,3 фоиз), қурилиш - 6,7 фоизни (6,6 фоиз) ташкил этган.

2022 йилда жами **269,9** трлн сўм **асосий капиталга инвестициялар** ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 100,9 фоизни ташкил этган.

2022 йилда **инфляция даражаси** 12,3 фоизни ташкил этди. Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари – 15,6 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари – 10,7 фоизга ва хизматлар – 8,3 фоизга қимматлашган.

III. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ИЖРОСИ

3.1 Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичлари ижроси.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) билан Давлат бюджети даромадларининг 2022 йил учун **прогноз кўрсаткичлари** (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **200 000,0** млрд сўмга тасдиқланган.

Йил давомида прогноз кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорларига асосан маҳаллий бюджетлар прогнози **338,8** млрд сўмга оширилиши натижасида **аниқлаштирилган прогноз 200 338,8** млрд сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йилги даромадлар ижроси **201 863,7** млрд сўмни ташкил этиб, аниқлаштирилган прогнозга нисбатан **1 525,0** млрд сўм кўп ёки **100,8** фоизга бажарилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йилги даромадлар ижроси

Кўрсаткичлар номи	Прогноз	Ижро	Фарқи	
			суммада	фонзда
Даромадлар (давлат мақсадли жамғармаларисиз), жами	200 338,8	201 863,7	1 525,0	100,8
Бевосита солиқлар	63 034,7	64 447,1	1 412,4	102,2
Фойда солиғи	38 527,6	37 649,9	-877,8	97,7
шундан, НКМК ва ОКМК	22 886,2	17 393,7	-5 492,5	76,0
Айланмадан олинадиган солиқ	2 390,3	2 512,7	122,3	105,1
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	22 116,7	24 284,5	2 167,8	109,8
Билвосита солиқлар	73 029,3	71 390,2	-1 639,2	97,8
Кўшилган қиймат солиғи	53 280,0	52 189,4	-1 090,6	98,0
Акциз солиғи	14 922,8	13 455,0	-1 467,7	90,2
Божхона божи	4 826,6	5 745,7	919,1	119,0
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	22 843,6	23 912,8	1 069,2	104,7
Мол-мулк солиғи	3 233,3	4 015,4	782,1	124,2

млрд сўм

Кўрсаткичлар номи	Прогноз	Ижро	Фарқи	
			суммада	фоизда
Ер солиғи	4 535,9	5 305,9	770,0	117,0
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 374,4	13 887,4	-487,0	96,6
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	700,0	704,1	4,1	100,6
Бошқа даромадлар	41 431,1	42 113,7	682,6	101,6
шундан, НКМК ва ОКМКдан давлат улуши бўйича тушган дивидендлар	27 031,9	23 090,5	-3 941,4	85,4

Давлат бюджетига 2022 йилда ҳақиқатда **201 863,7** млрд сўм ундирилган даромадларнинг **148 501,2** млрд сўми (*умумий даромаднинг 73,6 фоизи*) солиқ органлари, **46 024,6** млрд сўми (*22,8 фоиз*) божхона органлари томонидан, **7 337,9** млрд сўми (*3,6 фоиз*) бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар ҳисобидан таъминланган.

Давлат бюджети даромадлар ҳажмига қуйидаги кўрсаткичлар сезиларли таъсир кўрсатган:

2-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилган	Ҳақиқатда (<i>ўртача кўрсаткич</i>)
Ялпи ички маҳсулот	млрд сўм	839 989	888 341,7
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати	%	6,0	5,7
Истеъмол нархлари индекси, ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан	%	9,0	12,3
Миллий валюта курси	сўм/АҚШ долл.	11 321	11 044,9
Олтиннинг жаҳон бозоридаги нархи	АҚШ долл./троя унция	1 700	1 800,8
Миснинг жаҳон бозоридаги нархи	АҚШ долл. / тн	8 500	8 811,2

Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг бюджет даражалари ижроси таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари бўйича белгиланган 157 561,0 млрд сўм прогноз 154 473,4 млрд сўмга (98 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадлари бўйича белгиланган 42 777,7 млрд сўм прогноз 47 390,3 млрд сўмга (110,8 фоизга) бажарилган.

3.2 Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадлари ижроси

Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадлар прогнози 162 587,0 млрд сўм миқдорда тасдиқланган бўлиб, молия йили давомида 163 181,2 млрд сўмга аниқлаштирилган ҳамда йиллик ижро 160 093,6 млрд сўмга ёки 98,1 фоизга бажарилган.

Бунда, маҳаллий бюджетларга мобиль алоқа хизмати, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумлари ҳисобидан ажратилган 5 620,1 млн сўм маблағлар ўтказиб берилган ва аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари ҳамда амалдаги тушумлар таркибида инobatга олинган.

3-жадвал

Республика бюджетининг даромадлар прогнози ижроси

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Қонун билан тасдиқланган прогноз	Аниқлаштирилган прогноз	Амалдаги тушумлар	Фарқи	
					сумма	фоизда
	ЖАМИ	162 587,0	163 181,2	160 093,6	-3 087,6	98,1
1.	Бевосита солиқлар	44 342,0	44 437,0	43 399,8	-1 037,2	97,7
1.1.	Фойда солиғи	35 448,6	35 448,6	33 666,1	-1 782,5	95,0
	<i>шундан, “НКМК” ва “ОКМК” АЖлари бўйича</i>	22 886,2	22 886,2	17 393,7	-5 492,5	76,0
1.2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	8 893,4	8 988,4	9 733,7	745,3	108,3
2.	Билвосита солиқлар	69 814,4	69 794,3	68 002,2	-1 792,1	97,4
2.1.	Қўшилган қиймат солиғи	53 300,0	53 280,0	52 189,4	-1 090,6	98,0
2.2.	Акциз солиғи	11 687,8	11 687,8	10 067,1	-1 620,7	86,1
2.3.	Божхона божи	4 826,6	4 826,6	5 745,7	919,1	119,0
3.	Ресурс тўловлари	13 760,3	13 760,3	13 341,0	-419,3	97,0
3.1.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	13 760,3	13 760,3	13 341,0	-419,3	97,0
4.	Дивидендлар (дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солиғини ҳисобга олмаган ҳолда)	30 222,3	30 222,3	26 187,0	-4 035,3	86,6
	<i>шундан “НКМК” ва “ОКМК” АЖлари бўйича</i>	27 031,9	27 031,9	23 090,5	-3 941,4	85,4
5.	Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар	4 448,0	4 967,3	9 163,6	4 196,3	184,5

Бунда, республика бюджети даромадлари прогнози 5 та даромад турлари бўйича 8 948,4 млрд сўмга (92,5 фоиз) бажарилмаган бўлса, 1 та даромад тури бўйича 4 941,6 млрд сўмга (146,4 фоиз) ортиғи билан бажарилган.

2022 йил учун “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖлар бўйича фойда солиғи 22 886,2 млрд сўм прогноз қилинган эди, тушумлар эса 17 393,7 млрд сўмни, жумладан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ – 11 799 млрд сўм, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ – 5 595 млрд сўмни ташкил қилган. Белгиланган прогноз кўрсаткичи 5 493 млрд сўмга (24 фоиз) бажарилмаган.

Давлат улушига ҳисобланган дивидендлар бўйича 27 031,9 млрд сўм прогноз белгиланган бўлсада, ҳақиқий тушумлар 23 090,5 млрд сўмга тенг бўлган ва бюджетга кўзда тутилган 3 941,4 млрд сўм (14,6 фоиз) тушмаган.

Айрим даромад турлари прогнози кўрсаткичларини бажарилмаслигига қуйидаги кўрсаткичлар таъсир кўрсатган:

- “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖлар бўйича харажатларнинг режадан ортиқ ўсиши, олтин ва мис нархининг йилнинг 2-ярмидан кескин тушиб кетиши фойда солиғи ҳамда дивиденд тушумларининг камайишига олиб келган ва натижада ушбу корхоналар тушумларининг прогнозга нисбатан бажарилмаган қисми (8,7 трлн сўм) ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этган;

- 2022 йилда тадбиркорларга ҚҚСдан 19,3 трлн сўм ёки режага нисбатан 6,8 трлн сўм (154,5 %, ЯИМнинг 0,8 фоизи) кўпроқ қайтариб берилган;

- тасдиқланган Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда кўзда тутилган миқдорларда энергия ресурслари бўйича тарифларнинг оширилмаганлиги, табиий газ қазиб олиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаганлиги, мобил алоқа хизмати бўйича акциз солиғи ставкасини 15 фоиздан 10 фоизга пасайтирилганлиги солиқ бўйича прогноз кўрсаткичларини бажарилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

3.3 Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнози ижроси.

Қонуннинг 6-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари прогнозлари Қонуннинг 6-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул қилинган.

Шунингдек, Қонуннинг 9-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари прогнози ижроси

млрд сўм

№	Худудлар	Қонун билан тасдиқланган прогноз	Молия вазирлиги томонидан киритилган ўзгариш	Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан киритилган ўзгариш	Аниқлаштирилган прогноз	Тушум	Фарқи
	Жами	43 033,2	-594,2	338,8	42 777,7	47 390,3	4 612,5
	<i>шундан:</i>						
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 356,2	-40,0	22,5	2 338,7	2 499,5	160,8
2	Андижон вилояти	3 059,4	-53,5	37,0	3 042,9	3 246,5	203,6
3	Бухоро вилояти	2 904,0			2 904,0	3 425,3	521,3
4	Жиззах вилояти	1 727,2	-35,0	5,3	1 697,5	1 822,8	125,3
5	Қашқадарё вилояти	3 483,0	-7,1		3 475,9	3 920,0	444,0
6	Навоий вилояти	2 186,3			2 186,3	2 432,9	246,6
7	Наманган вилояти	2 903,2			2 903,2	3 265,4	362,2
8	Самарқанд вилояти	3 955,8	-52,0	9,3	3 913,1	4 197,7	284,6
9	Сурхондарё вилояти	2 466,9	-27,2	0,5	2 440,2	2 670,6	230,3
10	Сирдарё вилояти	1 104,5	-56,0		1 048,5	1 147,8	99,3
11	Тошкент вилояти	4 378,9	-139,4		4 239,5	4 526,0	286,5
12	Фарғона вилояти	4 242,5	-47,0	14,1	4 209,6	4 778,5	568,9
13	Хоразм вилояти	2 220,6	-27,0		2 193,6	2 384,2	190,6
14	Тошкент шаҳри	6 044,7	-110,0	250,0	6 184,7	7 073,2	888,5

Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетларнинг даромад турларининг прогноз кўрсаткичлари **594,2** млрд сўмга **камайтирилган** бўлса, Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан қўшимча харажатларни амалга ошириш мақсадида прогноз кўрсаткичлари **338,8** млрд сўмга **оширилган**.

Натижада, аниқлаштирилган прогноз 42 777,7 млрд сўмни ташкил этиб, маҳаллий бюджетларга 47 390,3 млрд сўм ундирилган ҳамда **4 612,5** млрд сўм қўшимча даромадлар шаклланишига эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги 73-сон “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига (*кейинги ўринда ПҚ-73-сон қарор*) асосан Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, **фақат ҚҚС** бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида худудлар

кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилган.

Шунга кўра, 2022 йил давомида Молия вазирлиги томонидан қўшилган қиймат солиғи прогнози жами **600,0 млрд сўмга камайтирилган**, жумладан 13 та ҳудудда 1 355,0 млрд сўмга оширилган, 1 та ҳудуд ва йирик тўловчилар инспекцияси бўйича 1 955,0 млрд сўмга камайтирилган.

3.4 Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминланиши.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган чораклик тасдиқланган ва аниқлаштирилган даромадлар прогнози таҳлил қилинганда, қуйидагилар маълум бўлди:

1. Ҳудудларнинг солиқ турлари прогнозлари жорий тушумлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилган ҳамда прогнозда кўзда тутилган даромад базасини характерловчи кўрсаткичлар инобатга олинмаган.

2. Солиқ турлари бўйича чораклик прогноз кўрсаткичлари ҳудудларда бажарилган бўлсада, улар ҳам аниқлаштирилган (камайтирилган).

Солиқ ва божхона идоралари учун белгиланадиган прогноз кўрсаткичлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими” дастурига тўлиқ киритилмаслиги оқибатида, прогноз кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда шу билан боғлиқ бюджет харажатларини амалга оширишдаги **назорат тизими автоматлаштирилмаган**.

3.4.1. Ижарага берилган ер майдонлари ҳисобига маблағларни маҳаллий бюджетга ундирилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.11.2021 йилдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сон қарорининг 1-2-бандларига асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари (*шу жумладан деҳқон хўжалигини юритиши*) учун ер участкаларини “Е-Іjара” ахборот тизими орқали **30 йилга ижарага** бериш белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2021 йилдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сон қарорининг 1-3-иловалари билан ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламентлари ва низомлар тасдиқланган.

Намунавий шакл асосида тайёрланган (барча) шартномаларнинг 2-бобида (*3-банди*) ер учун ижара ҳақи **ер солиғи тарзида** қонунчиликда белгиланган миқдорлар бўйича ва **муддатларда** тўланиши белгиланган (*Солиқ кодексининг 424-440-моддалари*).

Ушбу қарорнинг 3-бандига асосан ер участкасининг ижара муддатига ҳисобланадиган кўшимча тўловлар тегишли туман (шаҳар) **маҳаллий бюджетига йўналтирилиши** ҳамда уларнинг алоҳида ҳисоби ҳокимликлар томонидан юритилиши белгиланган.

Республика бўйича 2022 йилда жами **93 717** гектар ер майдонларини ижарага бериш юзасидан **421,9** минг та шартномалар имзоланган (*асосан жисмоний шахсларга ижарага берилган*) бўлиб, уларнинг норматив қиймати 6 109,6 млрд сўмни ташкил этган.

5-жадвал

2022 йилда ижарага берилган ер майдонлари тўғрисида

Т/р	Худудлар	2022 йилда жами тузилган шартномалар бўйича				
		Шартнома сони	Ер майдони (гектар)	Ернинг норматив қиймати (млрд сўм)	Ижара тўланмаган ҳолат сони	2022 йил учун тўланмаган ижара суммаси (млрд сўм)
	Жами	421 896	93 717	6 109,6	67 918	270,9
1	Қорақалпоғистон Республикаси	14 967	6 050	291,2	1 726	3,8
2	Андижон вилояти	67 288	8 038	414,9	3 420	2,0
3	Бухоро вилояти	45 776	7 610	852,7	1 168	2,1
4	Жиззах вилояти	16 002	8 345	469,2	3 645	43,5
5	Қашқадарё вилояти	19 017	8 728	344,0	4 143	13,5
6	Навоий вилояти	17 737	6 070	526,1	6 075	11,0
7	Наманган вилояти	58 896	7 990	565,7	13 291	71,3
8	Самарқанд вилояти	36 697	8 647	650,5	4 438	37,5
9	Сурхондарё вилояти	31 330	7 231	436,4	3 584	15,4
10	Сирдарё вилояти	10 600	5 270	210,0	1 655	20,9
11	Тошкент вилояти	22 593	6 489	355,2	3 377	22,8
12	Фарғона вилояти	44 999	6 665	459,6	20 086	26,5
13	Хоразм вилояти	35 994	6 583	534,2	1 310	0,7

Бироқ, 2022 йил учун тузилган ижара шартномалари бўйича **270,9** млрд сўм ижара тўловлари тегишли маҳаллий бюджетларга ундирилмаган.

Худди шундай, Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2021 йилдаги 709-сон қарорининг 31-илоvasи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун тўланадиган қўшимча тўловларнинг ҳисобини юритиш, уларни ундириш муддатларини белгилаш ва сарфлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандига асосан 15.04.2023 йилга қадар

142,1 минг та шартномалар бўйича 758,2 млрд сўм ижара тўловларини тегишли маҳаллий бюджетларга ундирилиши лозим бўлсада, амалда бор-йўғи 4,1 мингта ҳолатда 722,8 млн сўм маблағ ундирилган.

Бунда, ер майдонлари учун ижара ҳақи ҳисобини юритиш, уларни белгиланган муддатларда ундирилиши каби вазифалар ҳудудий ҳокимликлар томонидан бажарилмаган.

Оқибатда, 2023 йил учун ижара ҳақиға ҳисобланган 1 516,4 млрд сўмлик маҳаллий тушумлар ўз вақтида ундирилмасдан қолмоқда (*ВМнинг 24.11.2021 йилдаги 709-сон қарорига кўра 15.04.2023 йилга қадар ушбу ижара ҳақини ярми ёки 758,2 млрд сўми ундирилиши лозим*).

б-жадвал
млн сўм

№	Ҳудудлар	2023 йил учун (50 фоизи)	
		шартнома сони	ижара суммаси
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 929	14 924,2
2	Андижон вилояти	12 455	30 497,4
3	Бухоро вилояти	3 830	9 828,4
4	Жиззах вилояти	5 623	50 750,6
5	Қашқадарё вилояти	7 199	54 973,4
6	Навоий вилояти	8 349	16 465,2
7	Наманган вилояти	24 478	158 038,2
8	Самарқанд вилояти	12 183	89 514,5
9	Сурхондарё вилояти	6 308	63 280,1
10	Сирдарё вилояти	4 010	40 446,4
11	Тошкент вилояти	10 311	74 714,2
12	Фарғона вилояти	36 953	132 729,4
13	Хоразм вилояти	7 521	22 086,5
I.	Жами	142 149	758 248,3
II.	ундирилган маблағ	4 094	722,8
III.	Маҳаллий бюджетга ундирилиши лозим бўлган маблағ	138 055	757 525,5

3.4.2. Назорат остидаги тушумлар доираси расмий ҳужжат билан тасдиқланмаган.

Амалда солиқ идоралари (385 та даромад коди бириктирилган) ва божхона идоралари (37 та даромад коди бириктирилган) бюджетга ундириладиган тўловлар бўйича ҳисоботларга бюджет таснифининг даромад кодлари ишчи тартибда бириктирилган.

Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириши далолатномаларни тузиши ҳамда тақдим қилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (Адлия вазирлигида 2660-сон билан рўйхатга олинган) билан даромад ундирувчи органларнинг даромадлар таркиби белгиланган бўлиб, мазкур ҳужжат 04.06.2019 йилдан бекор бўлган ва янги ҳужжат ишлаб чиқилмаган.

Солиқ идоралари учун бириктирилган даромад турлари таҳлилида қуйидагилар аниқланди:

- бириктирилган барча кодлар ҳам **солиқ идоралари фаолияти билан боғлиқ эмас;**

Мисол учун, ҳуқуқбузарлик статистикаси ёки Мажбурий ижро бюроси фаолиятига боғлиқ “жарималар” тушумлари учун очилган 3 430 101, 3 430 102, 3 430 900, ... кодлари бўйича тушумлар солиқ идораларининг ҳисоботлари таркибига нотўғри киритилган ва солиқ органлари учун белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажаришдаги тушумлар таркибида инобатга олинган (2022 йилдаги тушумлар 1 510 млрд сўм).

Шунингдек, туман ва шаҳарлар кесимида солиқ идоралари фаолиятига бевосита боғлиқ бўлмаган йиғимлар, жарималар, давлат мулки ижараси тушумлари, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушумлар ҳамда бошқа классификацияланмайдиган тушумларнинг жами бюджет даромадларидаги **салмоғи 93 та туман ва шаҳарларда 5 фоиздан ошади.**

Мисол учун, Яккасарой тумани бўйича 14,8%, Нурота тумани бўйича 13,2%, Оқолтин тумани – 11,8%, Асака тумани – 11,4% ни ташкил қилади.

Бундай ҳолатлар прогноз кўрсаткичларини бажаришда солиқ идоралари **фаолиятини тўлақонли рағбатлантирмайди.**

Статистик таҳлилларга кўра, тушумларни даврийлик динамикасидаги стандарт оғиш:

жарималар бўйича – 10 фоиздан 80 фоизгачани;

йиғимлар бўйича – 7 фоиздан 80 фоизгачани ташкил қилади.

Бу кўрсаткичлар мазкур тушумларнинг нисбатан барқарор эмаслигини кўрсатади.

3.5 Бюджет даражалари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши ҳамда бюджетлараро муносабатлар

3.5.1. Қонуннинг 12-моддасига асосан маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш манбалари белгиланган.

Жумладан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига **5 турдаги** солиқлар, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига **12 турдаги** солиқ ва йиғимлар **тўлиқ ҳажмда қолдирилиши** кўзда тутилган.

Шунингдек, **солиқларнинг** айрим турлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда тақсимот қилиниши белгиланган:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) **Навоий вилоятида 63 фоизи, Тошкент вилоятида 42 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;**

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) **Навоий вилоятида 63 фоизи, Тошкент вилоятида 40 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи** ўтказилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги 73-сон қарорининг 2-бандига асосан қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар **прогнозининг ошириб бажарилган қисми** Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида **қуйидаги миқдорларда қолдирилиши** белгиланган:

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлиқ ҳажмда;
- фойда солиғи тўлиқ ҳажмда (қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);
- қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми **тўлиқ ҳажмда** (қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) (15.04.2022 йилга қадар);

Бунда, солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар **(мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно)** худудлар кесимида инобатга олинади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.04.2022 йилдаги ПҚ-208-сон “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан 2022 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига йўналтирилиши назарда тутилган маблағларнинг **40 фоизи** Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида қолдирилади.

Молия вазирлиги томонидан 2022 йил давомида маҳаллий бюджетларга даромадлар прогнозини ортиқча бажарилганлиги ҳисобидан **3 546,1 млрд сўм** маблағлар ўтказиб берилган.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилган даромадлар

млрд сўм

№	Худуд номи	Жами	<i>шундан:</i>			
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами	3 546,1	1 085,9	699,4	938,1	822,6
	<i>шундан</i>					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	262,9	110,8	66,4	85,7	
2	Андижон вилояти	64,0	32,6	19,1	12,4	
3	Бухоро вилояти	149,2	42,3	52,8		54,1
4	Жиззах вилояти	27,7	9,1	13,5	5,0	
5	Қашқадарё вилояти	123,0	22,0	36,5	13,9	50,5
6	Навоий вилояти	184,4	29,0	55,2	42,0	58,3
7	Наманган вилояти	44,7	16,3	8,1	20,4	
8	Самарқанд вилояти	118,3	20,2	58,8	39,3	
9	Сурхондарё вилояти	86,6	35,0	34,2	17,4	
10	Сирдарё вилояти	17,7	10,7	4,2	2,9	
11	Тошкент вилояти	254,4	78,6	62,8	65,3	47,7
12	Фарғона вилояти	43,4	34,5		8,8	
13	Хоразм вилояти	39,1	24,6	1,1	13,4	
14	Тошкент шаҳар	2 130,7	620,2	286,7	611,8	612,0

Юқорида қайд қилинган Қонун ва қарор бандларига асосан даромадлар прогнозини ортиқча бажарилган қисми ўтказиб берилиши таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-73-сон қарорининг 2-бандида кўрсатилган талабларни тўлиқ бажарилмаслиги, яъни республика бюджетига ўтказилган **жисмоний шахсларнинг даромад солиғи** бўйича прогноздан ошириб бажарилган қисмини тегишли ҳудудларга (Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри) ўтказиб беришда йирик солиқ тўловчиларга (Қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган) тегишли маблағларни чегирилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга **ўтказилган**.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-73-сон қарорининг 2-бандига асосан белгиланган солиқ турлари бўйича режадан ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда ушбу қарорнинг 4-иловасидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган тўловлар чегирилиши белгиланган.

Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи бўйича чораклар учун белгиланган даромадлар прогнозининг ортиқча бажарилган қисми ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-73-сон қарори 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 1 487,8 млрд сўм ўтказиб берилган.

3.5.2. Қонуннинг 12-моддасига асосан мобиль алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидagi улушига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланган.

Қонунда мобиль алоқа хизмати, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлари прогнози 5 620,1 млрд сўм белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорининг 16-бандига асосан мобиль алоқа хизматлари кўрсатиш ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисми маҳаллий бюджетларга республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланган.

Бироқ, 2022 йилда **тамаки маҳсулотлари** бўйича белгиланган 2 281,2 млрд сўмлик даромадлар прогнозининг бажарилмаган **282,8 млрд сўми** (1 998,4 млрд сўм ундирилган) республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга қоплаб берилган.

Маълумот учун: ушбу камчиликлар “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун билан 2023 йилдан бошлаб бартараф этилган.

Ҳисоботда мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар миқдори 4 697,8 млн сўм (*солиқ органлари томонидан 4 635,6 млрд сўм, божхона органлари томонидан 62,2 млрд сўм*)ни ташкил этган.

Бунда, 2022 йилда тамаки, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони импорт қилишда Божхона органлари томонидан ундирилган **103,6 млрд сўм** акциз солиғи маҳаллий бюджетларга ўтказиб бериладиган даромадлар прогнозидан ва ўтказиб берилишида инобатга олинмаган.

3.5.3. Қонуннинг 12-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар **тўлиқ ҳажмда ўтказилиши** белгиланган.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2009 йилдаги 200-сон “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг 8-бўлимига асосан Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар, Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўртасида тенг улушларда тақсимланиши белгиланган ва мазкур меъёрий ҳужжат Қонунга мувофиқлаштирилмаган.

“Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”да ваколатли органлар (божхона органлари бундан мустасно) томонидан мусодара қилинган заргарлик буюмларини сотишдан республика бюджетига тушум (3 450 509) даромад коди бўйича **тўлиқ республика бюджетига** йўналтирилган.

Амалда мазкур даромад тури бўйича 26,4 млн сўм тушум кирим бўлган.

Ғазначилик органлари томонидан мазкур даромад коди бўйича тушумлар мавжуд бўлмагани ҳолда, **25,0 млрд сўмни** тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ҳисобидан **қайтариб берилган** (мазкур даромад тури маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ҳисобланиб, амалда маҳаллий бюджетларга ҳам мусодара қилинган заргарлик буюмлари ҳисобидан тушумлар кирим бўлмаган).

3.5.4. Бюджет даражалари ўртасидаги ажратмаларнинг миқдорлари Молия вазирлиги ва Ғазначилик бўлинмалари томонидан “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га нотўғри киритилиши оқибатида 2 та даромад тури (3430 101, 3430 188) бўйича бюджет даражалари ўртасида **15 317,5 млн сўмлик** даромадлар нотўғри тақсимланган.

Масалан, Қонуннинг 12-моддасига зид равишда маҳаллий бюджетга тўлиқ йўналтирилиши лозим бўлган Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари қайд этилган видеоёзувлар бўйича ундирилган **29,9 млрд сўм** жарималар (3 430 188)нинг 50 фоизи, яъни **14,9 млрд сўми** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 232-сон қарори (21.04.2021 й)га асосан Тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларидан ундирилган жариманинг бюджетга йўналтириладиган қисмининг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тақсимланиши белгиланган.

Худди шундай, Иқтисодий ишлар бўйича судлар томонидан ундирилган 349,6 млн сўм жарималар (3 430 101) маҳаллий бюджетларга ўтказилмасдан, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилган.

3.5.5. Ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ва ноқонуний сарфланган маблағлар, талон-тароҳ, растраталар, камомадлар суммаларининг бир қисми (3 450 932 даромад коди) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилиши белгиланган бўлсада, мазкур йўналишда ундирилган **6 025,6 млн сўмлик** даромадлар маҳаллий бюджетларга йўналтирилган.

Маълумот учун: Ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ва ноқонуний сарфланган маблағлар, талон-тароҳ, растраталар, камомадлар суммаларининг бир қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети (3 450 724) ҳамда туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари (3 450 725)га ундирилган даромад кодлари алоҳида-алоҳида очилган.

3.5.6. Маҳаллий бюджетлардан қайтарилиши лозим бўлган 2 та даромад тури бўйича **2 317,2 млн сўм** маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қайтарилган.

Масалан, Суд органлари томонидан қўлланилган жарима санкциялари маҳаллий бюджетларнинг тушумлари ҳисоблансада, тегишли хулосаларга асосан Ғазначилик бўлинмалари томонидан **2 165,2 млн сўмлик** жарималар (3 430 102) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қайтарилган.

3.5.7. Қонуннинг 12-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тўланадиган фойда солиғи **маҳаллий бюджетларга ўтказилмаслиги белгиланган.**

Бунда, улардан тушадиган даромад турлари алоҳида очилган (3 112 124, 3 112 125, 3 112 126) бўлсада, 2022 йилда 161 та шу тоифага мансуб солиқ тўловчилари 1 270 та тўлов хужжати билан **маҳаллий бюджетларга тақсимладиган** солиқ турлари бўйича очилган ҳисоб варақларга (3 112 101, 3 112 104 даромад кодларига) **194,3 млрд сўм** фойда солиғи нотўғри тўланиб, унинг **76,0 млрд сўми** маҳаллий бюджетларга тақсимот бўлган.

Шунингдек, дивиденд тўловлари бўйича (3 412 102, 3 412 103, 3 412 105, 3 412 108-3 412 115 даромад кодлари), бюджетга тушумлар корхоналарнинг улушига мувофиқ республика ёки маҳаллий бюджетларга ундирилиши белгиланган.

Аммо, Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасида 2 та йирик солиқ тўловчи корхонани ("*Farg'onaazot*") АЖ 77,7 млрд сўм, ("*O'zaronavigatsiya*") markazi ДУК 50,0 млрд сўм) ғазначиликдаги даромад турларига нотўғри бириктирилиши оқибатида республика бюджетига йўналтирилиши лозим бўлган **127,7 млрд сўм** дивиденд тўловлари маҳаллий бюджетларга тақсимланган.

3.5.8. Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2022 йилдаги 18-сон "Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан

тасдиқланган Низомнинг 72-бандига кўра **норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасини сотишдан ҳамда қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ҳуқуқини савдо платформасида сотишдан олинган пул маблағлари** Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ҳисобварағига ҳамда ер қаъри участкаси жойлашган тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ўртасида автоматик тарзда **тенг улушларда** тақсимланиши белгиланган.

Ушбу маблағларни кирим қилиш учун “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”да 3 422 298 ва 3 422 973 даромад кодлари бўйича тегишли ғазна ҳисобварақлари очилган бўлсада, тушумларни **50 фоизи** республика бюджетига йўналтирилган.

Оқибатда, 2022 йилда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасини сотишдан ҳамда қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ҳуқуқини савдо платформасида сотишдан олинган пул маблағлари ҳисобидан **13,9 млрд сўмлик** тушумлар маҳаллий бюджетларга ўтказилмасдан қолган.

3.6 Ундирувчи органларнинг даромадлар ижроси

3.6.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2016 йилдаги ПҚ-4453-сон “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг **божхона чегараси орқали ярим тайёр** маҳсулот (пахта ип-калаваси ва трикотаж мато)ни олиб чиқишда ундириладиган йиғимнинг 75 фоизи “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг алоҳида банк ҳисоб рақамига йўналтирилиши белгиланган.

Қонуннинг 12-моддасига асосан қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (**божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан** ҳамда ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан **ташқари**) Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига **тўлиқ ҳажмда** ўтказилиши белгиланган.

Шунга кўра, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан ундириладиган йиғимнинг қолган 25 фоизи тегишли ҳудудлар бўйича маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши лозим бўлсада, экспорт қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар учун ундирилган **5,5 млрд сўм** йиғимлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилган.

3.6.2. “Бошқа тушумлар (таснифланмайдиган даромад турлари)” учун очилган 3 450 950, 3 450 951, 3 450 960, 3 450 961, 3 450 970, 3 450 978 даромад кодларига мазмунан “бошқа тушумлар” таркибига тааллуқли бўлмаган турли даромадларнинг (масалан ўз даромад кодига эга бўлган жарималар, давлат

божлари ва йиғимларни) кирим қилинганлиги оқибатида, кирим қилинган айрим тушумлар бюджет даражалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ўртасида нотўғри тақсимланган.

Масалан, Давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган давлат божи ва жарима тўловлари бўйича 402 645 та тўлов ҳужжати билан кирим қилинган **9,0 млрд сўмлик** тушумлар Мажбурий ижро бюросига **тўлиқ ҳажмда** нотўғри **ажратма қилинган** (Мажбурий ижро бюросига тегишли 3 450 970 даромад коди билан очилган ҳисобварақларга нотўғри ўтказилган).

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган “Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 8-бандига асосан, асосий воситаларни сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи - тегишли бюджет даромадига ўтказилиши белгиланган (бюджет таснифида 3 510 400, 3 510 500, 3 510 700 даромад кодлари очилган).

Амалда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг автотранспорт воситаларини сотуvidан тушган **339,1 млн сўмлик** даромадлар маҳаллий бюджетларга (3 450 950, 3 450 960 даромад кодлари)га нотўғри ўтказиб юборилган.

Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ маҳаллий бюджетларга ажратма қилиниши лозим бўлган 1 291 та тўлов ҳужжати билан **2,9 млрд сўм жарималар** “бошқа тушумлар” таркибига (3 450 950, 3 450 951, 3 450 960, 3 450 961, 3 450 970 даромад кодларига) нотўғри кирим қилинган ва оқибатда **98,6 млн сўм** тушумлар республика бюджетига тақсимланган.

3.6.3. Тугатилган (бекор қилинган) даромад турлари бўйича ҳосил бўлган ортиқча тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш республика бюджетига ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлсада, **106 млн сўмлик** тўловлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан нотўғри амалга оширилган.

Масалан, Хусусий АЁҚШдан, бутун республика бўйича ягона чакана нархлар марказлаштирилган тартибда белгиланган нефть маҳсулотларининг чакана ва сотиб олиш нархлари ўртасидаги ижобий тафовут кўринишидаги тушумлар (3112910) даромад коди бекор қилинган бўлиб, мазкур тушум бўйича ундирилган 15,2 млн сўмлик маблағлар маҳаллий бюджетдан қонунчиликка зид равишда қайтарилган.

3.6.4. Вазирлар Маҳкамасининг 21.11.2019 йилдаги 924-сон қарорида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш **жамғармасини шакллантириш манбаи сифатида Вақтинча олиб чиқилган (кирилган) автотранспорт воситасини ўз вақтида қайтариб олиб келинмаган (чиқарилмаган) ёки тегишли режимга расмийлаштирилмаган ҳолларда ундириладиган йиғим тури киритилмаган бўлсада**, Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган **13,6 млн сўм** йиғимлар Жамғармага нотўғри ўтказилган.

3.6.5. Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.2010 йилдаги 62-сон “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан *назорат тадбирлари натижалари бўйича бюджет, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари даромадига ундирилган растраталар, талон-тороғ, камомад, пеня ва жарималар ҳамда ноқонуний харажатлар суммаларининг 8 фоизи* Давлат молиявий нazorат инспекциясининг махсус жамғармасига йўналтирилиши белгиланган.

Давлат молиявий нazorати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган нazorат тадбирлари натижаси бўйича махсус жамғармага **506,9 млн сўмлик** ортиқча тўловлар ундирилган.

Жумладан, Давлат молиявий нazorат инспекцияси томонидан 29.07.2022 йилда расмийлаштирилган далолатномага кўра, “Ўзбекчорванасл” агентлик томонидан **1 629,5 млн сўм** субсидия маблағларни ортиқча ҳамда мақсадсиз сарфланганлиги аниқланган.

Шундан, 10 та корхона томонидан **151,5 млн сўм** субсидия маблағларини “Ўзбекчорванасл” агентлигининг тегишли бюджет ҳисоб рақамига қайтарилган.

Жумладан, 2022 йилда 46,8 млн сўм ва 17.01.2023 йилда 104,7 млн сўм Агентликнинг 400410860262947042131250001-сон ғазна ҳисоб рақамига қайтарилган.

Ушбу маблағларнинг **92 фоизи** Давлат бюджетига, **8 фоизи** Давлат молиявий нazorат инспекциясининг ғазна ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши лозим бўлсада, ушбу сумманинг барчаси Давлат молиявий нazorат инспекциясига (СТИР 309323595, ШХР 401410860262667011313092001) ўтказиб берилган.

Оқибатда, республика бюджетига йўналтирилиши лозим бўлган **139,4 млн сўм** (2022 йилда 43,1 млн сўм ва 2023 йилда 96,3 млн сўм) Давлат молиявий нazorат инспекциясининг махсус жамғармасига нотўғри тўлаб берилган.

Бунда, Давлат молиявий нazorат инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган нazorат тадбирларида аниқланган суммалари қонунчиликда белгиланган тартибда ғазначиликда очилган махсус транзит ҳисобварағига ўтказиш орқали автомат равишда 92 фоиз ва 8 фоизга ажратма қилиниши лозим бўлсада, амалда мазкур ноқонуний харажатлар тўғридан-тўғри Давлат молиявий нazorат инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармасига тўлиқ миқдорларда ўтказиб келинган.

3.6.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.04.2022 йилдаги “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-208-сон қарори 1-бандига асосан 2022 йил апрель- декабрь ойларида **солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушган маблағларнинг

15 фоизи ҳар ой яқунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Мазкур қарор ижроси бўйича “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”дан олинган маълумотларга асосан 2022 йил апрель-декабрь ойлари учун республика бюджетига 599,8 млрд сўм ўтказилиши лозим бўлиб, амалда 386,8 млрд сўм (**213,0 млрд сўмга кам**) ўтказиб берилган.

Масалан, Давлат солиқ қўмитаси 159,5 млрд сўм, Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги 3,6 млрд сўм, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси 0,9 млрд сўм **кам маблағ ўтказиб берган**.

Шу билан бирга, айрим ташкилотлар томонидан қарор талаби бажарилмасдан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига **37,8 млрд сўм** умуман ўтказиб берилмаган. Жумладан:

- Адлия вазирлигининг **Интеллектуал мулкни ривожлантириш агентлигига** патент божларидан 7,8 млрд сўм даромад келиб тушган бўлсада, мазкур даромадлардан **1,2 млрд сўм**;

- **Мажбурий ижро бюросига** ижро йиғими бўйича ундирилган 231,6 млрд сўм ижро йиғими ҳисобидан **34,7 млрд сўм**;

- **Олий таълим вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига** чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича малака сертификатини олиш учун ундирилган 12,4 млрд сўм йиғимлардан **1,9 млрд сўм маблағлар давлат бюджетига йўналтирилмаган**.

Шу билан бирга, қарорда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларнинг 15 фоизи ҳар ой яқунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Ўрганишда бир қатор ташкилотлар томонидан қарор талаби тўлиқ бажарилмасдан, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига **8,7 млрд сўм** ўтказиб берилмагани аниқланди.

3.7 Солиқ қўмитаси томонидан ундириладиган даромадлар таҳлили

3.7.1. Солиқ органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган солиқлар ва йиғимлар бўйича 142 705,8 млрд сўм аниқлаштирилган прогноз белгиланиб, амалда 148 501,2 млрд сўмга (*104,1 фоиз*) ижро қилинган.

8-жадвал

Солиқ қўмитасига етказилган бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларидаги ўзгартиришлар (худудлар кесимида)

млрд сўм

Худудлар номи	Молия вазирлиги томонидан етказиб берилган дастлабки прогноз	Аниқлаштирилган прогноз	Фарқи
ЖАМИ	143 472,1	142 705,8	-766,3
Қорақалпоғистон Республикаси	2 092,5	2 170,0	77,5
Андижон вилояти	2 522,3	2 618,8	96,5
Бухоро вилояти	2 827,3	2 872,3	45,0
Жиззах вилояти	1 534,1	1 574,5	40,3
Қашқадарё вилояти	3 467,8	3 379,0	-88,8
Навобий вилояти	1 515,1	1 535,1	20,0
Наманган вилояти	2 609,0	2 689,0	80,0
Самарқанд вилояти	3 657,0	3 765,3	108,3
Сурхондарё вил.	2 097,9	2 171,3	73,4
Сирдарё вилояти	1 092,3	1 085,3	-7,0
Тошкент вилояти	4 855,5	4 988,5	133,0
Фарғона вилояти	3 727,7	3 826,8	99,1
Хоразм вилояти	2 302,0	2 346,0	44,0
Тошкент шаҳри	17 619,4	18 306,4	687,0
Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси	91 552,1	89 377,5	-2 174,6

Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш худудлараро инспекцияси бўйича аниқлаштирилган прогноз 89 317,5 млрд сўмни, тушумлар эса 88 304,3 млрд сўмни (прогнозга нисбатан 98,9 фоиз) ташкил қилган.

Худудий солиқ идоралари бўйича аниқлаштирилган прогноз 53 049,6 млрд сўм этиб белгиланган, ҳақиқатда эса 60 197,0 млрд сўмга (прогнозга нисбатан 113,5 фоиз) бажарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ идоралари учун аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари бажарилган.

**Солиқ кўмитасига етказилган бюджет даромадлари
прогноз кўрсаткичларидаги ўзгартиришлар
(даромад турлари кесимида)**

млрд сўм

Даромад турлари	Молия вазирлиги томонидан етказиб берилган дастлабки прогноз	Аниқлаштирилган прогноз	Фарқи
ЖАМИ	143 472,1	142 705,8	-766,3
Фойда солиғи	38 557,2	38 527,6	-29,6
шундан, НКМК ва ОКМК	22 886,2	22 886,2	0,0
Айланмадан олинадиган солиқ	2 728,3	2 390,3	-338,0
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	22 045,0	22 116,7	71,7
Кўшилган қиймат солиғи	31 700,0	31 080,0	-620,0
Акциз солиғи	14 681,7	14 566,1	-115,6
Юридик шахсларнинг мол-мулкига олинадиган солиқ	2 134,0	2 266,3	162,3
Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	1 039,8	967,1	-102,7
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	2 689,5	2 915,2	195,7
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 563,8	1 620,7	86,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 403,5	14 374,4	-29,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	910,0	700,0	-210,0
Бошқа солиқсиз тушумлар	11 019,4	11 181,4	162,0

1. Аниқлаштирилган прогноз фойда солиғи бўйича 877,8 млрд сўмга (2,3%) бажарилмай қолган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 1 261,5 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (1 008,5 млрд сўм) нисбатан 253 млрд сўмга ошган, йил давомида 618,3 млрд сўм (1,6%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 2 771,8 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (1 317,6 млрд сўм) нисбатан 1 454,2 млрд сўмга ошган.

Йил давомида 37 056,2 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 4 635,2 млрд сўм (ҳақиқий тушумларга нисбатан 12,3 %)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 8 158 та корхона томонидан давлат бюджетига 54,6 млрд сўм фойда солиғи тўланган.

2. Айландиридан олинадиган солиқ бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 122,3 млрд сўмга (5,1%) ортиғи билан бажарилган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 668,2 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (904,5 млрд сўм) нисбатан 236,4 млрд сўмга камайган, йил давомида 252,3 млрд сўм (10 %) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 172,7 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (202,0 млрд сўм) нисбатан 29,4 млрд сўмга камайган.

Йил давомида 2 883,6 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 97,2 млрд сўм (ҳақиқий тушумларга нисбатан 3,9 %)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 34 804 та корхона томонидан давлат бюджетига 97,2 млрд сўм айландиридан олинадиган солиқ тўлови амалга оширилган.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари 2 167,8 млрд сўмга (9,8%) ортиғи билан бажарилган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 1 421,1 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (1 090,5 млрд сўм) нисбатан 330,6 млрд сўмга ошган, йил давомида 110,8 млрд сўм (0,5%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 435,9 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (796,1 млрд сўм) нисбатан 360,2 млрд сўмга камайган.

Йил давомида 25 268,8 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 1 028,3 млрд сўм (ҳақиқий тушумларга нисбатан 4,2 %)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 32 309 та корхона томонидан давлат бюджетига 46,6 млрд сўм жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тўлов амалга оширилган.

Мазкур солиқ бўйича 13 660 та корхонанинг 110,8 млрд сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилган бўлса, унинг 65 фоизи 50 та корхона ҳисобига тўғри келади.

4. Қўшилган қиймат солиғи бўйича аниқлаштирилган прогноз 1 732,1 млрд сўмга (5,6%) ортиғи билан бажарилган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 6 261,6 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (5 592,8 млрд сўм) нисбатан 668,8 млрд сўмга ошган, йил давомида 2 030,3 млрд сўм (6,2%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси (салбий фарқ билан) 9 361,4 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (10 496,8 млрд сўм) нисбатан 1 135,3 млрд сўмга камайган.

Йил давомида 25 829,7 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 31 301,7 млрд сўм (95,4%)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 4 869 та корхона томонидан 101,8 млрд сўм ҚҚСга тўлов амалга оширилган.

Шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш ҳамда харидорларга жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи миқдоридagi тўловларни амалга ошириш бўйича 12 500 млрд сўм маблағ кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 19 311,7 млрд сўм ҚҚС ўрнини қоплашга ва 819,9 млрд сўм харид қийматининг 1 фоизини қайтариш учун йўналтирилган.

5. Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари 1 488,9 млрд сўмга (10,2%) бажарилмай қолган.

Ўзбекистон Республикасининг 26.07.2022 йилдаги “Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 785-сон Қонуни билан мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга туширилган. Шунингдек, йил бошида прогноз қилинган энергия ресурслари тарифларининг бюджет лойиҳасида кўзда тутилган миқдорлардаги индексацияси амалга оширилмаган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 454,6 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (158,7 млрд сўм) нисбатан 295,9 млрд сўмга ошган, йил давомида 7,2 млрд сўм умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 8,8 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (21,4 млрд сўм) нисбатан 12,7 млрд сўмга камайган.

Йил давомида 13 518,5 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 24,5 млрд сўмни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 442 та корхона томонидан 1,3 млрд сўм акциз солиғи тўлови амалга оширилган.

6. Мол-мулк солиғи бўйича белгиланган прогноз 782,1 млрд сўм (24,2%) ортиғи билан бажарилган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 1 443,0 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (1 689,1 млрд сўм) нисбатан 246,1 млрд сўмга камайган, йил давомида 2,6 млрд сўм (0,1%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 200,1 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (166,5 млрд сўм) нисбатан 33,6 млрд сўмга ошган.

Йил давомида 4 656,1 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 931,9 млрд сўм (23,2 %)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 10 260 та корхона томонидан 49,0 млрд сўм мол-мулк солиғи тўлови амалга оширилган.

7. Ер солиғи прогнози 770 млрд сўмга (17%) ортиғи билан бажарилган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 2 990,3 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (2 536,3 млрд сўм) нисбатан 454 млрд сўмга ошган, йил давомида 7,7 млрд сўм (0,1%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 93,6 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (94,6 млрд сўм) нисбатан 1 млрд сўмга камайган.

Йил давомида 6 101,5 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 930,5 млрд сўм (17,5 %)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 25 964 та корхона томонидан 33,5 млрд сўм ер солиғи тўлови амалга оширилган.

8. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 487 млрд сўмга (3,4%) бажарилмай қолган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 334,1 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (314,3 млрд сўм) нисбатан 19,8 млрд сўмга ошган, йил давомида 5,7 млрд сўм (0,004%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 185,6 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (6,9 млрд сўм) нисбатан 178,6 млрд сўмга ошган.

Йил давомида 14 479,5 млрд сўм солиқ ҳисобланган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 364 та корхона томонидан 4,0 млрд сўм ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлови амалга оширилган.

9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича белгиланган прогноз 4,1 млрд сўм (0,6%) ортиғи билан бажарилган.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ қарзи 01.01.2023 йил ҳолатига 311,1 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (222,6 млрд сўм) нисбатан 88,4 млрд сўмга камайган, йил давомида 1,8 млрд сўм (0,3%) умидсиз солиқ қарзлари ҳисобдан чиқарилган.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси 01.01.2023 йил ҳолатига 59,6 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига (47,0 млрд сўм) нисбатан 12,6 млрд сўмга ошган.

Йил давомида 762,5 млрд сўм солиқ ҳисобланган ва имтиёзлар суммаси 12,3 млрд сўм (1,7 %)ни ташкил қилган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобланмаган ҳолда, йил давомида 19 013 та корхона томонидан 14,8 млрд сўм сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлови амалга оширилган.

Бошқа даромадлар (давлат бюджети даромадларига ўтказилган) таркибида давлат улушига ҳисобланган дивидендлар ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмалар (олтин казиб олувчи корхоналардан ташқари) 3 586,7 млрд сўм (аниқланган прогнозга нисбатан 93,2 %), маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича давлат улуши тушумлари 4 646,8 млрд сўм, давлат божи 2 717,9 млрд сўм (114,8%), йиғимлар 1 644,0 млрд сўм (88,3%), (жумладан, чиройли комбинацияли автономерларни сотишдан тушган тушумлар 264,9 млрд сўм, ойнани тусини ўзгартириш учун рухсатнома берганлик учун тўловлардан 270,3 млрд сўм), жарималар 1 518,6 млрд сўмни ташкил қилади.

3.7.2. 2022 йил II чорак учун ҚҚС бўйича белгиланган дастлабки прогноз 236,6 млрд сўмга ортиғи билан бажарилган бўлсада, июль ойида (II чорак якунлангач) ундирилган суммадан 106 млрд сўми (120 та ҳолатда) қайтарилган, 12 та ҳолатда эса 1,2 млрд сўм бошқа тўловлар ҳисобига ўтказилган, яъни прогноздан қўшимча тушган маблағларнинг 45,4 фоизи ортиқча тўлов ҳисобига шакллантирилган.

Худди шундай, 2022 йил III чорак учун Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича белгиланган дастлабки прогноз 22,4 млрд сўм ортиғи билан бажарилган бўлсада, ундирилган солиқдан октябрь ойида (III чорак якунлангач) 3,7 млрд сўм (93 та ҳолатда) қайтарилган, бошқа тўловлар ҳисобига 1,4 млрд сўми (42 та ҳолатда) ўтказилган, яъни прогноздан қўшимча тушган маблағларнинг 22,8 фоизи ортиқча тўлов ҳисобига шакллантирилган.

3.7.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.10.2021 йилдаги ПҚ-5252-сон “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан 2022 йил 1 январдан бошлаб, чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилиши белгиланган.

Тизимда фойдаланувчилар сони 01.01.2023 йил ҳолатига 1 998,4 минг нафарни ташкил қилиб, жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизи миқдорида жами 885,0 млрд сўм рўйхатдан ўтган ва республика бюджетидан 2022 йилда жами 819,9 млрд сўм маблағ махсус транзит ҳисобрақамга ўтказиб берилган бўлиб, шундан 702,6 млрд сўми 1 837,3 минг нафар шахсга тўлаб берилган.

Маълумот учун: республика бўйича 2022 йилда 2021 йилга нисбатан айланмадан олинадиган солиқ тушумлари 52 фоизга, қўшилган қиймат солиғи тушумлари (солиқ идоралари назоратидаги) эса 28 фоизга ўсган.

Республика бўйича 2022 йилда 159,2 мингта савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектлари томонидан берилган чеклар рўйхатга олинган.

Танланма усулда (29,7 мингта объект) ўтказилган таҳлилларга кўра, ушбу объектларнинг 12,4 мингтасида (41,7%) маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олган соф тушуми 2021 йилга нисбатан 40% дан юқорироқ суръатларда ўсган, 1,5 мингтасида (5,3%) 30-40% оралиғида ўсган, 1,8 мингтасида (6,0%) 20-30% оралиғида ўсган.

3.7.4. Солиқ тўловларининг ундирилиши таҳлили

Божхона постлари орқали 2021 йилда товарлар импорт қилган солиқ тўловчилар томонидан солиқлар тўланиши ва солиқ ҳисоботларида сотувдан тушган тушумлар акс эттирилиши танлов асосида ўрганилди.

Солиқ кодексининг 238-моддасига асосан қуйидагилар ҚҚС объекти ҳисобланади:

- реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш.

Солиқ кодексининг 239-моддасига асосан товарларни реализация қилиш бўйича айланма қуйидагилардан иборат:

1) товарга бўлган мулк ҳуқуқини пуллик асосда, шу жумладан товарнинг қарз шартномаси бўйича ўтказиш;

2) товарни бепул бериш, бундан шундай бериш иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно;

3) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш;

4) товарни бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари асосида бериш.

Ўтказилган таҳлиллар давомида, 2021 йилда импорт қилинган **1 728,5** млрд сўмлик товарлар реализацияси ёки қолдиғи йил якунлари бўйича тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаганлиги натижасида **234,6** млрд сўм солиқларни (қўшилган қиймат солиғи 225,7 млрд сўм, айланмадан олинмаган солиқ 8,9 млрд сўм) ҳисобланмаганлик ҳолатлари бўйича 2022 йил давомида солиқ органлари томонидан назорат тадбирлари ўтказилмаганлиги маълум бўлди.

3.7.5. Дивиденд тўлови ва солиғи ундирилиши таҳлили.

Дивиденд тўлови ва солиғи бўйича тўловлар ундирилиши таҳлил қилинганда, қуйидагилар аниқланди:

– дивиденд (95 фоиз) тўлови ҳисобланган бўлсада, 139 та ҳолатда **2,7** млрд сўмга дивиденд (5 фоиз) солиғи ҳисобланмаган;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий карточкасида 888 та ҳолатда дивиденд солиғига **13,0** млрд сўм тўлов амалга оширилган бўлсада, мазкур амалга оширилган тўловларга дивиденд солиғи ҳисобланмаган;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий карточкасида 29 та ҳолатда **3,7** млрд сўм дивиденд тўлови амалга оширилган бўлсада, мазкур тўловлар бўйича дивиденд тўлови ҳисобланмаган;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий карточкасида 90 та ҳолатда **793,5** млн сўм дивиденд тўлови ва дивиденд солиғи бўйича тўловлар ҳисобга олинмаган (сингдирилмаган);

– белгиланган прогноз кўрсаткичларини амалга ошириш мақсадида 291 та хўжалик юритувчи субъектдан **19,4** млрд сўм ундирилган маблағлар қайтариб берилган.

3.7.6. Солиқ текширувлари якуни бўйича солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкасига қўшимча солиқларни ҳисобланиши ва бекор қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 137-моддасига кўра солиқ текшируви турларига камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити киради.

Солиқ кодексининг 158-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги 1-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан эътиборан **ўн кун ўтгач**, лекин ўн беш кундан кечиртирмай кўриб чиқилиши керак.

Уларга доир **қарор** солиқ текшируви материаллари **кўриб чиқилганидан кейин беш кундан кечиктирмай** қабул қилиниши лозим.

Солиқ кодексининг 160-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, **қабул қилинган қарор бир ой ўтгач кучга киради.**

Солиқ органлари томонидан 2022 йилда ўтказилган солиқ текширувлари якунига кўра (*солиқларга 50 млн сўмдан ортиқ*) камайишга ҳисобланган солиқларнинг таҳлили натижасида қуйидагилар маълум бўлди.

Республика бўйича 2022 йил давомида ўтказилган текширишлар давомида **2 130** та корхонага 3 791 та ҳолатда **2 481,1** млрд сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган.

Лекин, кейинчалик қўшимча ҳисобланган суммаларнинг **2 036,2** млрд сўми **ёки 82,1** фоизи Солиқ қўмитаси ёки суд қарорлари асосида бекор қилинган.

Жумладан:

- Тошкент шаҳар солиқ бошқармасида 488 та корхона ёки 761 та ҳолатда 510,5 млрд сўм қўшимча ҳисобланган солиқларнинг 402,1 млрд сўми ёки **78,8** фоизи бекор қилинган;

- Тошкент вилоят солиқ бошқармасида 292 та корхона ёки 454 та ҳолатда 381,9 млрд сўм қўшимча ҳисобланган солиқларнинг 338,6 млрд сўми ёки **88,7** фоизи бекор қилинган;

- Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро солиқ инспекциясида 108 та корхона ёки 211 та ҳолатда 406,6 млрд сўм қўшимча ҳисобланган солиқларнинг 250,1 млрд сўми ёки **61,5 фоизи** камайтирилган;

- Самарқанд вилоят солиқ бошқармасида 168 та корхона ёки 288 та ҳолатда 217,2 млрд сўм қўшимча ҳисобланган солиқларнинг 192,8 млрд сўми ёки **88,8 фоизи** камайтирилган.

Текширишда қўшимча ҳисобланган суммаларнинг бекор қилиниши сабаблари ўрганилганда, солиқ текширувларининг муддатлари ўтказиб юборилганлиги ҳамда норматив-ҳужжатларда назарда тутилмаган солиқ солиш объектлари солиққа тортилганлиги оқибатида содир бўлганлиги маълум бўлди.

3.8 Божхона қўмитаси даромадлари таҳлили

3.8.1. Божхона кодексининг 289-моддасига асосан божхона тўловлари таркибига божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз ва божхона йиғимлари киради.

Божхона тўловлари бўйича прогноз 41 117,2 млрд сўм миқдорида белгиланган бўлиб, давлат бюджетига 46 024,6 млрд сўм ундирилган ва белгиланган прогнозга нисбатан 4 907,4 млрд сўмга ортиқча бажарилган.

Йиллик прогноз кўрсаткичлари бошқа тўловлар бўйича 22 млрд сўмга (1,8%) бажарилмасдан қолинган.

Божхона қўмитаси бўйича йиллик прогноз кўрсаткичлари Қонунда белгиланган кўрсаткичларга нисбатан ўзгартирилмаган.

10-жадвал

2022 йил учун Божхона қўмитаси бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижроси

млрд сўм

№	Даромадлар номи	Йиллик прогноз	Ҳақиқий тушум	Прогноздан фарқи	
				сумма	фоизда
	Жами	41 117,2	46 024,6	4 907,4	111,9%
1	Қўшилган қиймат солиғи	34 700,0	38 689,1	3 989,1	111,5%
2	Акциз солиғи	356,7	377,8	21,1	105,9%
3	Божхона божлари	4 826,6	5 745,7	919,1	119,0%
4	Бошқа тўловлар	1 234,0	1 212,0	-22,0	98,2%

Шунингдек, жами ундирилган божхона тўловлари таркибида ҚҚСнинг улуши 84,1 фоизни, божхона божи - 12,5 фоизни, акциз солиғи - 0,8 фоизни ва бошқа тўловлар - 2,6 фоизни ташкил этган.

Божхона органлари томонидан тақдим этилган божхона тўловлари бўйича бюджетга ундирилган маблағлар тўғрисидаги ҳисобот ва Давлат бюджети даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида фарқ аниқланмади.

Божхона тўловларидан 2022 йилда жами **56 502,3** млрд сўмлик имтиёзлар тақдим қилинган (божхона божидан 23 124,8 млрд сўм, қўшилган қиймат солигидан 33 227,3 млрд сўм, акциз солигидан 124,0 млрд сўм, божхона йиғимларидан 26,3 млрд сўм).

11-жадвал

Божхона тўловлари бўйича 2022 йилда тақдим қилинган имтиёзлар

млрд сўм

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	Жами имтиёз суммаси	шундан			
			Божхона божи	Акциз солиғи	ҚҚС	Божхона йиғимлари
	Жами	56 502,3	23 124,8	124,0	33 227,3	26,3
1	Халқаро шартномалар	6 081,4	5 325,8	0,0	755,5	0,1
2	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари	762,3	202,6	12,5	547,2	0,0
3	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси	25 560,3	0,0	0,7	25 559,6	0,0
4	Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси	2 015,1	1 360,3	0,0	628,9	25,9
5	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари	12 762,3	9 331,9	19,2	3 411,3	0,0
6	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари	3 074,5	2 278,9	0,2	795,4	0,0
7	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари	122,0	90,4	14,5	17,1	0,0
8	Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	5 646,9	4 301,9	77,0	1 267,9	0,0
9	Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари	476,8	232,6	0,0	243,9	0,3
10	Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари	0,7	0,4	0,0	0,3	0,0

Божхона органлари томонидан ундирилган божхона режимлари (“эркин муомалага чиқариш” ва “экспорт” режимларидан ташқари) бўйича божхона расмийлаштируви учун **908,8** млн сўмлик йиғимлар хорижий валютада ундирилган божхона йиғимлари ва кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловлар таркибида нотўғри кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.2010 йилдаги 62-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан кўрсатилган хизматлар учун божхона йиғимлари ва тўловлар шаклидаги тушумларнинг ажратмалари белгиланган.

Божхона кўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг махсус жамғармаларига тақсимот қилиниши лозим бўлган **590,7 млн сўмлик** маблағлар давлат бюджетига нотўғри йўналтирилган.

3.8.2. Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.2010 йилдаги 62-сон “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида **кўрсатилган хизматлар учун божхона йиғимлари ва тўловлар шаклидаги тушумлар** Давлат бюджетига (65 фоиз), Божхона кўмитаси (30 фоиз), Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (2,5 фоиз) ва Молия вазирлигининг (2,5 фоиз) махсус ҳисобварақларига тақсимот қилиниши белгиланган.

Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатдан ўтган Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқномага асосан **вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситасини ўз вақтида қайтариб олиб чиқилмаган ёки тегишли режимга расмийлаштирилмаган ҳолларда ундириладиган йиғим** учун алоҳида (3 151 211) даромад тури белгиланган.

Аммо, божхона органлари томонидан 2020-2022 йилларда вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситасини ўз вақтида қайтариб олиб чиқилмаган ёки тегишли режимга расмийлаштирилмаган ҳоллардаги ундирилган **3 061,4 млн сўмлик** йиғимлар (даромад тури 3 151 211 бўлиши лозим) “Кўрсатилган хизматлар учун бошқа божхона йиғимлари” даромад турига (3 151 208) нотўғри йўналтирилган.

Оқибатда, Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган **1 071,5 млн сўм** даромадлар Божхона кўмитаси, Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг махсус ҳисобварақларига **тақсимот қилинган**.

3.8.3. Божхона органлари тақдим қилган ва Молия вазирлиги ахборот тизими маълумотлари асосида ўтказилган таҳлиллар натижаси билан 2022 йил давомида Божхона кодексининг 328-моддаси 2-бандида назарда тутилган **беш иш кун** давомида даромадларни давлат бюджетига ўтказиб берилиши талаби бажарилмаганлиги ҳамда 2023 йил 1 январь ҳолатига **355,8 млрд сўмлик** маблағлар божхона депозит ҳисобварағидан **5 иш кунлик** муддатдан сўнг (кечиктирилган ҳолда) Давлат бюджетига ўтказиб берилганлиги аниқланди.

3.8.4. Божхона қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар таҳлили

Божхона кодексининг 269-моддасига асосан тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясига декларант ёки божхона брокери, агар божхона тўғрисидаги қонунчиликда алоҳида маълумотларни тақдим этиш учун бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси божхона органи

томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан **олтмиш календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда** етишмаган маълумотларни ва лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш ҳақидаги ёзма мажбуриятни илова қилиши кўрсатиб ўтилган.

*Маълумот учун: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 227¹⁰-моддаси 3-бандига асосан божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона юк декларацияси, худди шунингдек **ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлиши, шунингдек, ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлиши** кўзда тутилган.*

Божхона органларига **902 та** ТИФ иштирокчилари томонидан ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этилмаган бўлсада, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда **1,5 млрд сўмлик** (Давлат бюджетига **820 млн сўм**) жарималар қўллаш юзасидан чораларни кўрмаган.

3.8.5. Божхона депозит ҳисобрақамларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган, уч йил давомида талаб қилинмаган маблағлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 335-моддасига асосан тўловчи томонидан божхона органининг **шахсий ғазна ҳисобварағига** (транзит) ўтказиб берилган дастлабки пул маблағларини қайтариб бериш ҳақидаги ариза **уч йил ичида тақдим этилмаган бўлса**, ушбу пул маблағлари божхона органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Ўтказилган таҳлилда ТИФ иштирокчиларининг охириги уч йил давомида ҳаракатсиз бўлган **557,7 млн сўмлик** маблағлари божхона органлари томонидан давлат бюджетига белгиланган муддатларда ўтказилмасдан қолгани маълум бўлди.

3.8.6. Солиқ кодексининг 100-моддасида кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда қарз суммасига фоизлар ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, Божхона кодексининг 332-моддасида божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган **асосий ставканинг эллик фоизи миқдорида**, бир кун учун қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳисоблаб чиқариладиган фоизлар ундирилиши кўзда тутилган.

Божхона кодексининг 349-моддасига асосан божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик ўз вақтида тўланмаганлиги учун тўловчи томонидан уни тўлаш бўйича мажбурият бажарилмаган ҳар бир календарь кун учун божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик суммасининг 0,033 фоизи миқдорида ҳисобланади.

Божхона органлари томонидан **28,0** млрд сўм божхона божи ва акциз солиғи бўйича **фоиз** ва **3,0** млрд сўм пеня тўловлари ҚҚС ҳисобига нотўғри ўтказилган.

3.8.7. Божхона органлари томонидан тақдим қилинган маълумотларга асосан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган тамаки маҳсулотлари таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, 2018-2022 йилларда импорт қилинган тамаки маҳсулотлари қиймати 3,4 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Маълумот учун: 2013-2022 йилларда импорт қилинган тамаки маҳсулотлари қиймати 42,4 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Бунда, 2013-2017 йилларда 714,6 минг қути чет давлатда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари ноқонуний олиб ўтилган бўлса, 2018-2022 йилларда унинг ҳажми 5 051 минг қутига етган.

Жумладан, 2013 йилда импорт қилинадиган 1 000 дона (50 қути) учун белгиланган акциз солиғи ставкаси 18,2 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2017 йилда 90 АҚШ доллари, 2022 йилда 32 АҚШ доллари (1 000 донадан ошган тақдирда 10 фоиз қўшимча)ни ташкил этмоқда.

Бунда, импорт қилинадиган тамаки маҳсулотларининг акциз солиғи ставкасининг юқорилиги, мазкур товарларни республика ҳудудига ноқонуний олиб кирилишига асосий сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Масалан, 1 қути (Sobranie Black Russian маркали) тамакининг импорт шартномасига асосан қиймати 12 653,5 сўмни ташкил этган бўлса, божхона тўловлари амалга оширилгандан сўнг унинг қиймати 23 295,0 сўм (шундан акциз солиғи миқдори 8 105,4 сўм)ни ташкил қилмоқда ёки 1,8 баробарга ошмоқда.

3.9 Молия вазирлиги тасарруфидаги даромадлар таҳлили

Солиқ ва божхона идоралари назоратида бўлмаган тушумлар бўйича аниқлаштирилган прогноз **16 010,7** млрд сўмни ташкил этиб, 2022 йил давомида Давлат бюджетига **7 337,9** млрд сўм тушиши таъминланган.

12-жадвал

Солиқ ва божхона идоралари назоратида бўлмаган тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижроси

млрд сўм

№	Даромадлар номи	Йиллик прогноз	Аниқлаштирилган прогноз	Ҳақиқий тушум	Прогноздан фарқи	
					сумма	фоизда
	Жами	16 010,7	16 515,8	7 337,9	-9 177,8	44,4
1	НКМК ва ОКМК дивиденди	27 031,9	27 031,9	23 660,5	-3 371,5	87,5
2	Бюджет ссудалари фоизлари	478,8	783,8	2 533,3	1 749,4	323,2

№	Даромадлар номи	Йиллик прогноз	Аниқлаштирилган прогноз	Ҳақиқий тушум	Прогноздан фарқи	
					сумма	фоизда
3	Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар (бюджет тақчиллигини қоплаш манбаси ҳисобланмайдиган)	500,0	500,0	639,3	139,3	127,9
4	Қўшилган қиймат солиғи ўрнини қоплаш	-12 500,0	-12 500,0	-19 311,7	-6 811,7	154,5
5	Бошқа тўловлар	500,0	500,0	-183,4	-683,4	-36,7

3.10 Давлат активларини бошқариш агентлиги даромадлари

3.10.1. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида **2022 йилда давлат активларини сотилиши** ҳисобига ундирилган маблағлар таҳлил қилинди.

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига 2022 йилда **6 631,8** млрд сўм даромадлар шакллантирилган ва жамғармадан 2022 йилда **6 562,6** млрд сўм йўналтирилган.

13-жадвал

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг даромад ва харажатлари ҳисоботи

млрд сўм

I	ДАРОМАД	6 631,8
	<i>жумладан:</i>	
1.1	Давлат акция пакетлари сотувидан	1 798,2
1.2	Давлат улуши сотувидан	2 610,8
1.3	Давлат мулки объектлари сотувидан	1 675,3
1.4	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари сотувидан	538,3
1.6	Пеня, жарима ва бошқа тушумлар ҳисобидан	9,1
II	ХАРАЖАТ	6 562,5
	<i>жумладан:</i>	
2.1	Республика бюджетига	4 500,0
2.2	Маҳаллий бюджетларига	523,7
2.3	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигига (Савдо-саноат палатаси билан бирга)	58,3
2.4	Агентлик тасарруфига	176,4

I	ДАРОМАД	6 631,8
2.5	Хукуматнинг алоҳида қарорларига асосан амалга оширилган бошқа харажатлар (Тақсимотда чегирладиган маблағлар)	1 227,1
2.6	Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (давлат акция пакетларини сақлаш харажатларига)	1,8
2.7	Давлат активларини баҳолаш ва консалтинг хизматларига	36,3
2.8	Бекор қилинган ва ҳақиқий эмас деб топилган шартномалар бўйича қайтарилган маблағлар	38,9

Шунингдек, республика бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда давлат мол - мулкининг харидорлари ўртасида давлат активларини сотилиши юзасидан қиймати **5 794,7 млрд сўм** (74,6 млрд сўм комиссия харажат ва бошқа чегирмалар, 5 720,1 млрд сўм Агентликка тушадиган маблағ) бўлган **611 та** шартнома тузилган.

Давлат мол-мулки харидорлари томонидан 2022 йилда **3 090,4 млрд сўм** тўловларни амалга оширган бўлсада, 123 та ҳолатда тўлов муддати мавжудлиги сабабли 2 157,0 млрд сўм маблағлар ундирилмаган.

Бироқ, харидорлар томонидан қиймати **484,7 млрд сўмлик** 171 та шартномада кўрсатилган давлат мол-мулкини хариди юзасидан тўловларнинг муддати ўтказиб юборилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2022 йилдаги **ПҚ-168-сон** қарорига асосан “давлат активлари бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилганда дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолатларда, қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридан йиллик фоизлар ҳисобланиши белгиланган.

Шунга кўра, 10 та ҳолатда муддати ўтган 7,2 млрд сўм тўловлар бўйича харидорларга нисбатан **903,0 млн сўмга** пеня ҳисобланмаганлиги маълум бўлди.

Ўрганиш даромида, 6 та ҳолатда 96 фоиз харидорларга нисбатан **866,6 млн сўм** пеня ҳисоблаш мақсадида судларга даъво аризалар киритилиши таъминланди.

3.10.2. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари учун очилган битта ягона ғазна ҳисобварағида барча даромадлар шаклланиб келган ҳамда Агентлик томонидан даромадларнинг алоҳида ҳисоби юритилмаган.

Ўрганиш давомида даромадларнинг (масалан, давлат активларини сотилиши, ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня тўловлари, ижара ва бошқа тушумлар) битта ғазна ҳисобварағида шаклланганлиги сабабли, уларнинг белгиланган тартибда тақсимот қилинаётганлиги ва тўловларнинг ўз вақтида ундирилаётганлигини таҳлил қилиш имкони бўлмади.

Шу сабабли, Агентлик ва унинг худудий бошқармалари бўйича ундириладиган даромадларни алоҳида-алоҳида ҳар бир даромад учун **ғазна ҳисобварақларида шакллантириш мақсадга мувофиқ.**

3.10.3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасининг 2-хат бошида Ўзбекистон Республикаси худудида давлат мол-мулки реализация қилинганда (берилганда) солиқ базаси солиқ агенти томонидан аниқланади.

Бундай ҳолларда **ушбу мол-мулкнинг харидорлари** (уни олувчилар) солиқ агенти деб эътироф этилади, бундан яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахслар мустасно. Бундай ҳолларда солиқ базаси сотиб олинаётган давлат мол-мулкнинг солиқ ҳисобга олинмасдан шартномада белгиланган қиймати миқдоридан солиқ агенти томонидан аниқланиши белгиланган.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги **ПҚ-168-сон** қарорига асосан “давлат кўчмас мулк объектларини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олган ва сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” давлат ордери берилган тадбиркорлик субъектлари томонидан **қўшилган қиймат солиғи** мазкур объектларга нисбатан тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ ўтгандан сўнг тўланиши қайд этилган.

Ўрганишда, шартнома қиймати 1 720,5 млрд сўм бўлган 195 та давлат мол-мулки тўлиқ харидорлар томонидан қопланган бўлиб, шундан, 30 та харидор томонидан СҚнинг 256-моддаси 2-хат бошига асосан бюджетга **5,5 млрд сўм қўшилган қиймати солиғи** ундирилмаганлиги аниқланди.

Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилди.

Бундан ташқари, 2022 йилда “Давлат активларини хусусийлаштириш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришдан 538,3 млрд сўм маблағ жалб қилинган.

Хусусан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар Қорақалпоғистон Республикасида 6,9 млрд сўм, Андижонда 16,6 млрд сўм, Бухорода 21,8 млрд сўм, Жиззахда 10,7 млрд сўм, Қашқадарёда 15,5 млрд сўм, Навоийда 19,7 млрд сўм, Наманганда 8,4 млрд сўм, Самарқандда 28,7 млрд сўм, Сурхондарёда 10,5 млрд сўм, Сирдарёда 5,7 млрд сўм, Тошкентда 68,8 млрд сўм, Фарғонада 19,8 млрд сўм, Хоразмда 24,7 млрд сўм, Тошкент шаҳрида 280,5 млрд сўмни ташкил этмоқда.

3.10.4. Давлат мулкни ижарага берилишидан тушадиган тушумлар бўйича таҳлили.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар мол-мулкни ижарага беришда бошланғич нархи мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан паст

бўлмаганлар” таҳлил қилинганда, қуйидагилар маълум бўлди.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (*кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар деб юритилади*) сони 2022 йилда **2 057 тани** ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамасининг **595-сон** қарорига (22.09.2021) асосан 01.01.2022 йилдан бошлаб юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилиши белгиланган.

Маълумот учун, жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўчмас мулкни ижарага бериш ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларининг электрон тизимларида ҳисобга қўйиш масофадан туриб фақат электрон шаклда амалга оширилиши кўзда тутилган.

2022 йилда **“Е-ижара”** (*Солиқ қўмитаси маълумоти*) дастури орқали 131 410 та тузилган ижара шартномаси рўйхатга олинган бўлиб, шундан давлат иштирокидаги корхоналар **9 322 тани** ёки 6 фоизни ташкил этмоқда.

Амалда меъёрий ҳужжатларда **давлат иштирокидаги корхоналар** учун ижара шартномалари бўйича энг кам ставка миқдорлари белгиланмаганлиги натижасида, 2022 йилда жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига нисбатан **паст бўлган миқдорларда** 2 162 та ҳолатда ижара шартномалари тузилиб, оқибатда давлат бюджетига **236,2 млрд сўм** тушум йўқотилганлиги маълум бўлди.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг **236,2 млрд сўм** миқдордаги ижара тўловлари даромадлар таркибида кам кўрсатилиши оқибатида бюджетга **135,8 млрд сўм** (*жумладан 35,4 млрд сўм 15% фойда солиғи, 100,4 млрд сўм 50 фоиз дивиденд*) миқдорда тушумлар кам тушишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, АТИБ “Ipoteka-bank” Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Саъдий кўчаси, 27-уйдаги 1 458 кв.метр бўлган бино майдони ҳар 1 (бир) кв.метрни 5 487 сўмдан, 1 (бир) ойга 8,0 млн сўмга ижарага берилган бўлса, шу кв.метр майдонни жисмоний шахслар ҳар 1 (бир) кв.метрни 32,0 минг сўмдан, 1 (бир) ойга 46,7 млн сўмга ижарага берган. Бунда давлат иштирокидаги корхоналарга 1 кв.метрга ойлик ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланмаганлиги сабабли 38,7 млн сўм миқдорда ижара ҳақи кам олинганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-5197-сон** (24.07.2021) қарорига мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналар томонидан кўчмас мулкларини ижарага беришда, уларнинг давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, автототранспорт воситаларини ижарага беришда **жисмоний шахслар** учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари миқдоридан, бошқа асосий воситаларини ижарага беришда эса **Солиқ кодексида** белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдоридан бошланғич нархи белгиланган.

Бирок, бугунги кунда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан кўчмас мулкларини ижарага беришда, меъёрий ҳужжатларда аниқ ижара тўловининг энг кам ставкалар миқдори кўзда тутилмаганлиги сабабли 508 та ҳолатда ижара шартномаларида “ноль” ставкада қўлланилиши оқибатда **79,5 млрд сўм** маблағлар давлат иштирокидаги корхоналарнинг даромади сифатида шакллантирилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланган.

Маълумот учун, жисмоний шахсларнинг нотурар жойлар бўйича умумий майдоннинг 1 кв метрига ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари Тошкент шаҳри учун 32,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарлар учун 18,5 минг сўм, бошқа аҳоли пунктлари учун 7,5 минг сўм миқдоридан белгиланган.

3.11 Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоботи тузилиши

3.11.1. Бюджет кодексининг 164-моддасига асосан Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан ҳисобот даври учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушумлари тўғрисидаги ҳисоботларни молия органларига тақдим этилиши лозим.

Мазкур моддада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушуми тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланиши кўрсатилган бўлсада, Молия вазирлиги томонидан ҳисобот шакллари ишлаб чиқилмаган, жумладан Ҳисоб палатасининг 2022 йилдаги кўрсатмасининг тегишли банди ижро қилинмаган.

2022 йил давомида ва 2022 йил якунлари бўйича солиқ ва божхона идоралари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар молия органларига тақдим этилмаган.

3.11.2. Қонун билан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари ва харажатлари белгиланади, бироқ уларнинг ижроси юзасидан ҳисобот шакллантирилмасдан қолинмоқда.

Маълумот учун, Қонунга асосан 2022 йилда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари 14 651,4 млрд сўм, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ҳажми 8 495,3 млрд сўм миқдоридан белгиланган.

3.11.3. Молия вазирлигининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисобот шаклида Давлат бюджети даромадларининг йиллик прогноз кўрсаткичлари ва ҳақиқатда тушумлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Ҳисоботнинг бирламчи маълумотлари асосан Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасида шаклланган бўлиб, тақдим этилган ҳисоботда улар томонидан ҳисоби юритилаётган Давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ бўлган асосий кўрсаткичлар акс эттирилмасдан қолмоқда.

3.11.4. Ҳисоботга илова қилинган “2022 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ижроси” ҳамда “Солиқ кўмитаси бўйича даромадлар ижроси” жадвалларида прогноз кўрсаткичлари **338,8 млрд сўмга** ортиқча акс эттирилган.

Бунда, ҳудудий Халқ депутатлар Кенгашлари қарорларига асосан маҳаллий бюджетлар прогнозига қўшилган 338,8 млрд сўм маблағлар “қўшилмаган ҳолда акс эттирилган” сифатида кўрсатилган.

3.11.5. “Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома”да (*Адлия вазирлигида 11.10.2010 йил 2146-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) мавжуд бўлмаган (илгари амалда бўлган) **44 та** даромад турлари бўйича **801,0 млрд сўмлик** тушум Ҳисоботда акс эттирилган.

Масалан, Йўриқномада мавжуд бўлмаган 3 511 114 даромад тури (Тадбиркорлик субъектларига махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойларни сотишдан тушган маблағлар), бўйича Ҳисоботда 77,6 млрд сўмлик тўловлар акс эттирилган.

3.11.6. Бюджет кодексининг 18-моддасида бюджет таснифи халқаро тасниф тизимларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланган. Шунингдек, 165-моддада давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоботи бюджет таснифига мувофиқ тузилиши белгиланган.

Тақдим этилган ҳисоботга кўра давлат бюджети даромадлари кодлари (йиғма кодлардан ташқари) 270 тани ташкил қилади, шундан 36 тасида манфий кўрсаткичлар кўрсатилган. Таҳлиллар натижасига кўра:

- даромад кодларининг 72 таси бугунги кунда амалий аҳамиятини йўқотган (тўловчилар адашиб пул тўлаб юборишлари оқибатида, нотўғри тўланган маблағларни қайтариш қўшимча вақт олади).

Мисол учун, 3 142 101 коди – “ароқ бўйича акциз солиғи” бўйича 81 минг сўм (07.06.2022й.да тушган) тушум кўрсатилган. “Ароқ бўйича акциз солиғи” тушумлари учун Йирик солиқ тўловчилар билан ишлар ҳудудлараро инспекцияси учун 3 142 113 коди очилган ва тушумлар 1 318 млрд сўмни ташкил қилади;

- даромадларни таснифлашда даромад турлари номлари, тўловларни қабул қилишдаги дастур имкониятларига кўра гуруҳлашнинг тизимли чекловлари мавжуд эмас. Шунингдек, даромадлар касса ижросини ташкил қилиш ҳамда норматив ҳуқуқий ҳужжатларга кўра даромад турлари бўйича тижорат банклари, солиқ ва божхона идоралари билан ҳамкорликда тушунтиришлар амалга оширилмаган;

Натижада, даромадларнинг қоидага мувофиқ тақсимланмаслик ҳолатлари келиб чиқмоқда. Мисол учун, жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан олинган даромадидан солиқни тўлов манбаида ушлаб қолинган солиқни 3 111 100, 3 111 106, 3 111 300, 3 111 301, 3 111 302, 3 111 600 кодларга тўлаш мумкин. Бунинг натижасида, тушумларни бюджет бўғинлари ўртасида тақсимот бузилади (Қонуннинг 12-моддасига кўра, туман ёки шаҳар бюджетларига ўтказиш кўзда тутилган, лекин 3 111 100, 3 111 600 даромад кодлари тушумлари тақсимланиши кўзда тутилган).

Масалан, Автомобиль йўллари кўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига тушиши лозим бўлган **1,6 млн сўмлик** тўлов бугунги кунда фойдаланилмайдиган даромад тури ёпилмаганлиги сабабли, 3 151 205 даромад кодига нотўғри кирим бўлган ва Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоботида акс этирилган.

3.11.7. Бюджет кодексининг 51-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари таркибига Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджетига йўналтириладиган** юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари киритилган.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотларига асосан 2022 йилда донорлар томонидан 59 та лойиҳа бўйича 344,4 млн АҚШ доллари миқдорида грант, техник ва бошқа ташқи беғараз ёрдам ажратилган.

Мазкур ёрдамлар республика бюджети орқали эмас, балки тўғридан-тўғри қабул қилувчиларнинг ҳисобрақамларига ўтказилганлиги оқибатида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилмасдан келинмоқда.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида 17,2 млн долларлик грант ажратилган, лекин мазкур маблағлар Ҳисоботда акс этирилмаган.

Бюджет даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда жами ташқи қарз маблағлари ҳукумат кафолати остида 31,1 трлн сўм жалб этилганлиги кўрсатилган.

Бюджет кодексининг 15-моддасига асосан (Кассанинг ягоналиги принципи) бюджет тизими бюджетларининг барча даромадлари Ягона ғазна ҳисобварағига киритилади ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобварақдан амалга оширилади.

3.12 Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар

3.12.1. Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.2010 йилдаги 62-сон “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларини куйидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштириш:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги ПФ-6118-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 14-бандига асосан бюронинг ходимлари томонидан қўлланиладиган **ижро**

йиғими суммаларининг **100 фоизи** Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгиланган (ВМҚ-62-сон қарорда **80 фоиз**);

- Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2019 йилдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига асосан **рақобат ва табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликларни бузганлик учун ундирилган асоссиз олинган даромад суммаларининг 100 фоизи** Жамғармага йўналтирилиши белгиланган (ВМҚ-62-сон қарорда **20 фоиз**).

3.12.2. Вазирлар Маҳкамасининг **811-сон қарори** (09.10.2018 й.) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг **1-сон қарори** (07.01.2021 й.) билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомларни Бюджет кодексининг **62-моддаси** талабларига мувофиқлаштириш.

IV. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ

4.1 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси

Тақдим этилган ҳисобот бўйича Давлат бюджетининг 2022 йилдаги харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **236 692,0** млрд сўмни (аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 98,7 фоиз) ёки ЯИМ га нисбатан 26,6 фоизни ташкил этган.

14-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2022 йилдаги харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар		Режа	Ижро	
			суммада	фоизда
ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ		239 898,6	236 692,0	98,7
1.	Ижтимоий харажатлар	119 393,2	117 691,9	98,6
1.1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	105 845,1	105 589,1	99,8
	<i>шундан:</i>			
1.1.1	Таълим	50 633,8	50 271,3	99,3
а.	мактабгача таълим	10 198,0	10 151,9	99,5
б.	умумий таълим	33 202,3	33 138,1	99,8

млрд сўмда

Кўрсаткичлар		Режа	Ижро	
			суммада	фоизда
в.	кадрлар тайёрлаш	7 233,5	6 981,3	96,5
1.1.2	соғлиқни сақлаш	27 464,0	27 288,3	99,4
1.1.3	маданият ва спорт	4 377,7	4 289,6	97,9
1.1.4	фан	1 519,1	1 447,1	95,3
1.1.5	нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	19 141,2	19 397,1	101,3
1.1.6	аҳоли бандлиги даражасини ошириш	692,1	706,6	102,1
1.2.	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар	12 501,4	11 092,0	88,7
1.3.	Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари, субсидия ва компенсация тўловлари	1 046,7	1 010,8	96,6
2.	Иқтисодиёт харажатлари	36 623,5	34 090,9	93,1
	<i>шундан:</i>			
2.1	сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	7 187,6	7 106,4	98,9
2.2	суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	438,9	430,7	98,1
2.3	геология қидирув ишлари	989,8	989,8	100,0
2.4	аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	3 830,8	4 830,7	126,1
2.5	табиатни муҳофаза қилиш	301,9	300,6	99,6
2.6	уй-жой коммунал ишлари	1 636,6	1 373,0	83,9
2.6	табiiй газ нархларидаги тафовут учун субсидиялар	9 200,0	6 695,3	72,8
3.	Инвестиция харажатларини молиялаштириш	26 868,2	27 807,0	103,5
4.	Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	10 647,3	11 468,6	107,7
5.	Суд органларини сақлаш харажатлари	1 120,9	1 117,6	99,7
6.	Ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	953,6	965,4	101,2
7.	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1 869,3	1 811,0	96,9
8.	Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қўвватлаш харажатлари	101,7	103,5	101,8
9.	Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари	3 644,7	3 528,5	96,8

Кўрсаткичлар		Режа	Ижро	
			суммада	фоизда
10.	Бошқа харажатлар	38 676,1	38 107,5	98,5

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 117 691,9 млрд сўм ёки умумий харажатларнинг 49,7 фоизи миқдоридан маблағ сарфланган. Бу харажатлар ЯИМ га нисбатан 13,2 фоизни ташкил этган. Ушбу харажатларнинг 89,7 фоизи ёки 105 589,1 млрд сўми Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари учун ажратилган маблағларнинг 65 691,5 млрд сўми ёки қарийб 62,2 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 50 271,3 млрд сўм маблағ ажратилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 27 288,3 млрд сўмни ташкил этган ёки 2021 йилга нисбатан 3 971,4 млрд сўмга (17,0 фоиз) кўп маблағлар ажратилган. Ажратилган маблағнинг жами Давлат бюджети харажатларидаги улуши 11,5 фоизни ташкил этган.

Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва аҳоли бандлик даражасини оширишга Давлат бюджетидан ҳисобот даврида 20 103,7 млрд сўм йўналтирилган ёки 2021 йилга нисбатан 8 423,3 млрд сўмга ёки 72,1 фоизга кўпроқ маблағ ажратилган.

Иқтисодиётга йўналтирилган харажатлар ҳисобот даврида 34 090,9 млрд сўмни ташкил қилиб, жами Давлат бюджети харажатларининг 14,4 фоизини ташкил этган.

Иқтисодиётга харажатлар асосан қуйидаги йўналишларга сарфланган:

- сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари – 7 106,4 млрд сўм;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш – 430,7 млрд сўм;
- геология қидирув ишлари – 989,8 млрд сўм;
- аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш харажатлари – 4 830,7 млрд сўм;
- табиатни муҳофаза қилиш ишларига – 300,6 млрд сўм;
- уй-жой коммунал ишларига – 1 373,0 млрд сўм;
- табиий газ нархларидаги тафовут учун субсидиялар – 6 695,3 млрд сўм.

Ҳисобот даврида инвестиция харажатларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан жами харажатларининг 11,7 фоизи ёки 27 807,0 млрд сўм миқдоридан маблағ сарфланган.

Давлат ҳокимияти, бошқарув, адлия, прокуратура ва суд органлари таъминотида ҳисобот даврида **12 586,3 млрд сўм** ёки жами Давлат бюджети

харажатларининг 5,3 фоизи йўналтирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси давлат молияси статистикасини халқаро стандартларга мослаштириш учун 2022 йилда давлат қарзларини (асосий қарз) сўндириш бўйича харажатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибига киритилмайдиган миқдори 9 002,5 млрд сўмни ташкил этган.

Ҳисоботга кўра 2023 йил 1 январь ҳолатига Давлат бюджети тақчиллиги 34 828,3 млрд сўмни ташкил этган ҳамда қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланган:

- ички ва ташқи қарз маблағлари ҳисобидан - 29 655,9 млрд сўм;
- Давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ҳисобидан – 4 500,0 млрд сўм;
- Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан келиб тушган маблағлар – 672,4 млрд сўм.

4.2 Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажат қисмининг ижроси

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 171 894,1 млрд сўмни ва Қонунга киритилган ўзгартиришлар билан бирга биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 194 845,2 млрд сўмни ташкил этган.

15-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан
биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга
2022 йил учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ажратилган мблағнинг чекланган миқдори	Аниқланган режа	фоизда
	Республика бюджетидан ажратиладиган мблағлар, жами	194 845,2	199 955,1	102,6
	<i>шу жумладан:</i>			
	жорий харажатлар	100 045,7	109 336,3	109,3
	<i>жумладан, ривожлантириш дастурлари учун харажатлар</i>	9 457,6	7 018,6	74,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	12 081,0	7 245,5	60,0
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	25 482,4	29 116,9	114,3

Т/р	Кўрсаткичлар	Ажратилган маблағнинг чекланган миқдори	Аниқланган режа	фонзда
	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар	14 115,6	14 115,6	100,0
	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига бериладиган маблағлар		28 718,8	
	қайта тақсимланадиган маблағлар	43 120,4	11 422,1	26,5
1.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	26 012,1	28 126,5	108,1
2.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	7 398,6	5 747,1	77,7
3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4 084,9	4 157,3	101,8
4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	5 457,5	5 024,9	92,1
5.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	824,2	1 056,0	128,1
6.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	786,8	799,0	101,6
7.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	2 192,4	3 815,4	174,0
8.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	574,0	589,7	102,7
9.	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	2 724,6	2 979,4	109,4
10.	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	144,3	335,5	232,5
11.	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	6 021,8	8 988,5	149,3
12.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	33,5	34,5	103,0
13.	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	1 025,5	1 027,0	100,1
14.	Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси	165,5	166,3	100,5
15.	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги	321,3	328,7	102,3
16.	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	13,5	14,4	106,8
17.	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	127,1	143,7	113,1
18.	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	771,3	779,0	101,0
19.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга	8,8	9,8	111,4

Т/р	Кўрсаткичлар	Ажратилган маблағнинг чекланган миқдори	Аниқланган режа	фонзда
	қарши курашиш қўмитаси			
20.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	10,2	12,9	126,0
21.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	623,1	638,7	102,5
22.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	218,7	209,8	95,9
23.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	244,0	258,9	106,1
24.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	484,3	537,9	111,1
25.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	726,4	802,0	110,4
26.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	127,6	164,7	129,1
27.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	156,6	176,7	112,8
28.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	11 147,4	10 951,2	98,2
29.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	78 450,9	76 211,6	97,1
30.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	1 460,6	1 543,1	105,6
31.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	2 044,5	1 224,4	59,9
32.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	919,0	1 157,3	125,9
33.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	228,1	232,2	101,8
34.	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси	58,5	58,5	100,0
35.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	69,1	81,9	118,6
36.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	240,5	267,6	111,2
37.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)	8,4	13,0	154,7
38.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)	1,3	1,3	100,0
39.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	1 289,5	1 508,7	117,0
40.	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	972,1	1 160,2	119,4
41.	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	7,2	8,4	116,3
42.	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши	28,7	34,1	118,7

Т/р	Кўрсаткичлар	Ажратилган маблағнинг чекланган миқдори	Аниқланган режа	фонзда
43.	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	24,8	26,6	107,2
44.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	220,6	207,0	93,9
45.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси	463,7	485,9	104,8
46.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	20,2	22,7	112,7
47.	Президент таълим муассасалари агентлиги	622,3	407,8	65,5
48.	«Ўзархив» агентлиги	10,3	11,1	107,7
49.	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги	220,3	231,0	104,8
50.	Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги	243,1	240,8	99,1
51.	Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги	41,2	43,3	105,0
52.	Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги	4,8	5,3	111,4
53.	Республика Маънавият ва маърифат маркази	65,1	66,1	101,6
54.	Гидрометеорология хизмати маркази	165,9	176,7	106,5
55.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази	11,2	14,2	127,4
56.	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги	977,4	259,7	26,6
57.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	47,4	48,7	102,6
58.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги	132,3	60,1	45,4
59.	Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин кизлар давлат қўмитаси	171,3	66,7	38,9
60.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	311,1	348,6	112,0
61.	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги	381,8	495,3	129,7
62.	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги	1 211,7	1 159,3	95,7
63.	Бошқа ташкилотлар	31 293,9	34 200,1	109,3

Қонунга асосан 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 171 894,1 млрд сўм этиб тасдиқланган бўлиб, 2022 йил давомида ушбу Қонунга қуйидаги ўзгартиришлар киритилган. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 19 декабрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрь куни маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-811 сонли Қонун билан 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 194 845,2 млрд сўм этиб тасдиқланган бўлиб, қўшимча 22 951,1 млрд сўм маблағ ажратилган. Шундан:

- давлат хусусий шериклик, шу жумладан, оилавий мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган субсидиялар учун қарийб – 900,0 млрд сўм;

- Сурхондарё вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини “Тўпаланг” сув омбори манбалари ҳисобига яхшилаш учун – 528 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги ПҚ-100 ҳамда 8 февралдаги ПҚ-121 сонли қарорларига асосан қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари томонидан етиштирилиб, сотилган маҳсулотлар учун субсидияларга – 311,0 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 апрелдаги ПФ-97 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида экспортёрларга ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун – 226 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ-252 сонли қарорига асосан ички бозорда табиий газни улгуржи сотиб олиш ва сотишга ихтисослаштирилган “Ўзгазтрейд” компаниясининг табиий газ сотиш ва сотиб олиш орасидаги салбий фарқини ҳамда газ узатиш хизматларини қоплаш учун – 9 200,0 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-136-сонли Фармонига асосан – 2 192,1 млрд сўм;

- минимал истеъмол харажатлар миқдори 440 минг сўмдан 500 минг сўмга оширилиши ҳамда нафақа олувчи оилалар сони 2 миллиондан ошганлиги (йил бошида 1,3 млн. бўлган) ҳисобига ижтимоий нафақалар учун харажатларга қўшимча – 3 333 млрд сўм (ПФ-128, 29.04.2022й.);

- маҳаллаларда инфратузилмани ривожлантириш харажатларига – 2 700 млрд сўм.

Бюджет кодексининг 145-моддасига асосан Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқ биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган қайта тақсимланадиган маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикаси

республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни кўпайтириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланиши белгиланган.

Юқоридагилардан ташқари қуйидаги ўзгартиришлар амалга оширилган. Жумладан:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори 2 114,4 млрд сўмга кўпайган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138 сон Фармонида асосан 1 440,6 млрд сўм миқдоридagi маблағ қайта тақсимланган;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори 432,6 млрд сўмга камайган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қайта тақсимланадиган маблағлар таркибида коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан 1 414,7 млрд сўм қайта тақсимланган;

- Соғлиқни сақлаш вазирлигига қайта тақсимланадиган маблағлари таркибида тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари билан боғлиқ харажатлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ҳудудий ва республика соғлиқни сақлаш ташкилотларига 2 002,4 млрд сўм маблағ ўтказиб берилган;

в) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори 1 623,0 млрд сўмга ортган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари бўйича тегишли йиғилиш баёнларига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қайта тақсимланадиган маблағлар қаторида мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган харажатлар ҳисобидан 206,5 млрд сўм маблағ қайта тақсимланган;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалари учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан 1 534,8 млрд сўм қайта тақсимланган. Бунда, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларининг харажатлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан йўналтирилган маблағ миқдори 1 000,0 млрд сўмни ташкил этган.

д) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори 2 966,6 млрд сўмга ортган. Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари бўйича тегишли йиғилиш баёнларига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қайта тақсимланадиган маблағлар қаторида мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган харажатлар ҳисобидан 706,0 млрд сўм маблағ қайта тақсимланган;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалари учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан 2 050,5 млрд сўм қайта тақсимланган. Бунда, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг харажатлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан йўналтирилган маблағ миқдори 1 500,0 млрд сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2022 йил тасдиқланган харажатлар ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар таҳлили

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қайта тақсимланадиган харажатлар қисмида “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари билан боғлиқ харажатлар” учун Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-811-сон Қонуни билан 2 192,1 млрд сўм миқдорида қўшимча маблағ ажратилган.

Молия вазирлигининг ҳисоб-китобига асосан мазкур маблағларнинг 1 327,9 млрд сўми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга, 52,3 млрд сўми тиббий кўрик учун, 802,1 млрд сўм эса тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун тегишинча республика бюджети, маҳаллий бюджет ва тиббий суғурта жамғармаси орқали молиялаштириладиган тиббиёт муассасаларига йўналтирилган.

Аудит давомида тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун ажратилган (802,1 млрд сўм) маблағларни сарфланиши ўрганилганда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига **91,4 млрд сўм ортиқча маблағлар ажратилганлиги аниқланди.**

Масалан: Сурхондарё вилоятига ажратилган 47,2 млрд сўм ҳисобидан 40,9 млрд сўми ёки 86,5 фоизи, Бухоро вилоятига ажратилган 41,2 млрд сўмдан 38,7 млрд сўми ёки 94 фоизи бошқа мақсадларга йўналтирилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун ажратилган (802,1 млрд сўм) маблағлардан **243,1 млрд сўми** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорлари асосида бошқа мақсадларга (тиббиёт муассасаларининг жамғармаларига ўтказилмасдан) қайта тақсимланган.

Оқибатда, ҳудудий тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган (802,1 млрд сўм) маблағлардан **243,1 млрд сўми** ўз мақсадлари (масалан, 75 фоизи (182,3 млрд сўми)ни ходимларни моддий

рағбатлантириш)дан ташқари бошқа мақсадларга сарфланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сонли қарори 7-иловасига мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасидаги 2022 йил учун 22 та Давлат дастурлари ва мақсадли индикаторлари харажатлари учун 1 273,4 млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, 2022 йил давомида харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳамда аниқланган режа 1 393,8 млрд сўмни ижроси эса 1 208,0 млрд сўмни ташкил этган.

Аудит давомида ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағлар таҳлил қилинганда, 2022 йил декабрь ойида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа мақсадлар (*Масалан, Нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш дастури учун режаслаштирилган маблағлар ҳисобидан 12,6 млрд сўм*) учун ривожлантириш дастурларида кўзда тутилган 78,4 млрд сўм маблағлари Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 декабрдаги 198-сон раёсат мажлиси баёнининг 20-бандига асосан Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сон Қонуни билан 2023 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси учун ажратиладиган маблағлар” ривожлантириш дастури учун 180,0 млрд сўм кўзда тутилган.

Аммо, Жамғарманинг 2023 йил учун даромадларини прогнози таркибида, 2022 йил декабрь ойида ривожлантириш дастурларида кўзда тутилган 78,4 млрд сўм маблағлар назарда тутилмаганлиги сабабли, ушбу маблағларни Жамғармага 2023 йилда давлат бюджетидан ажратиладиган трансферт миқдоридан камайтирган ҳолда **мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ**.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 17-бандига мувофиқ боқувчисини йўқотган хотин-қизлар фарзандлари учун ота-оналар бадалидан озод қилинган ҳамда 3 ёшгача бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш белгиланган.

Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-811-сон “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан Мактабгача таълим вазирлигига 18,9 млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

Боқувчисини йўқотган хотин-қизлар фарзандлари учун ота-оналар бадали тўловларини қоплаш бўйича тартиб ишлаб чиқилмаган ва шу сабабли Вазирлар

Маҳкамасининг 2022 йил 26 декабрдаги 02/1-834-сон топшириғига мувофиқ (Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг таклифи асосида) боқувчисини йўқотган хотин-қизлар фарзандлари учун ота-оналар бадали тўловларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар учун 18,9 млрд сўм маблағлар мақбуллаштирилиб, мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг иш ҳақисига йўналтирилган.

Бунда, масъул вазирлик ва идоралар томонидан боқувчисини йўқотган хотин-қизлар фарзандлари учун мактабгача таълим ташкилотларига ота-оналар бадали тўловларини қоплаш бўйича тартибни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқланиши ва уни амалиётга жорий қилиниши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарорига асосан Давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидия ажратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан Мактабгача таълим вазирлиги учун ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори таркибида давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар учун 1 500,0 млрд сўм маблағ кўзда тутилган.

2022 йил давомида давлат хусусий шериклик, шу жумладан, оилавий мактабгача таълим ташкилотларининг сони ортанлиги ҳамда қамрови даражаси паст бўлган ҳудудларда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун қўшимча юзага келган талаб учун 899,2 млрд сўм қўшимча маблағ ажратилган.

Бюджет кодексига мувофиқ субсидия - товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Бюджет кодексининг 120-моддасига асосан бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараёнида бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг дотациялар ва субсидияларни тўлаш учун мўлжалланиб, аммо зарурати қолмаган суммаларига камайтиради.

Аудит давомида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган ҳамда 2022 йилда фойдаланилмаган 16,7 млрд сўмлик субсидиялар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан камайтирилмаган ва ушбу маблағлар тегишинча маҳаллий бюджетлар эркин қолдиғини ошишига сабаб бўлган.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил бюджет параметрларида ижтимоий нафақаларни тўлаш учун ўртача 1,4 млн нафар оила учун 7,5 трлн сўм маблағ кўзда тутилган.

Шундан ЎРҚ-742-сон “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан республика бюджетидан “Кам таъминланган оилаларга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали тайинланадиган болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловларини олувчилар сонининг ошиши билан боғлиқ харажатлар учун республика бюджетидан 3 333,3 млрд сўм ажратилган.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига 2022 йилда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар сонининг ортиши натижасида республика бюджетидан қўшимча 3,6 трлн сўм ажратилиб, ҳудудларга тақсимланган.

Республика бюджетининг 2022 йилдаги харажатлар ижроси

Ҳисоботга кўра Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг ижроси 2022 йилда 190 738,9 млрд сўмни ёки аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 95,4 фоизни ташкил этган.

16-жадвал

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2022 йилдаги харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

млрд сўм				
Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	фоизда
	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами	199 955,1	190 473,0	95,3
	<i>шу жумладан:</i>			
	жорий харажатлар	109 336,3	107 177,4	98,0
	<i>жумладан, ривожлантириш дастурлари учун харажатлар</i>	<i>7 018,6</i>	<i>6 519,9</i>	<i>92,9</i>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	7 245,5	6 814,4	94,0
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	29 116,9	26 865,5	92,3
	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар	14 115,6	14 115,6	100,0
	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган маблағлар	28 718,8	28 452,9	99,1
	қайта тақсимланадиган маблағлар	11 422,1	7 047,3	61,7
1.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	28 126,5	27 955,9	99,4

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	фоизда
2.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	5 747,1	5 640,0	98,1
3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4 157,3	3 963,8	95,3
4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	5 024,9	4 759,6	94,7
5.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	1 056,0	1 022,4	96,8
6.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	799,0	769,3	96,3
7.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	3 815,4	3 492,9	91,5
8.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	589,7	520,5	88,3
9.	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	2 979,4	2 939,1	98,6
10.	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	335,5	277,1	82,6
11.	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	8 988,5	8 519,9	94,8
12.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	34,5	32,2	93,5
13.	Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар қўмитаси	1 027,0	1 025,8	99,9
14.	Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси	166,3	134,0	80,6
15.	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги	328,7	327,7	99,7
16.	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	14,4	13,9	96,0
17.	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	143,7	137,2	95,5
18.	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	779,0	733,3	94,1
19.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси	9,8	9,6	97,7
20.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	12,9	12,3	95,6
21.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	638,7	637,7	99,9
22.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	209,8	209,4	99,8
23.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	258,9	248,7	96,1
24.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	537,9	609,4	113,3

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	фоизда
25.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	802,0	797,3	99,4
26.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	164,7	154,5	93,8
27.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	176,7	169,3	95,8
28.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	10 951,2	7 861,4	71,8
29.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	76 211,6	72 487,8	95,1
30.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	1 543,1	1 516,9	98,3
31.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	1 224,4	1 116,6	91,2
32.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	1 157,3	1 126,1	97,3
33.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	232,2	227,4	97,9
34.	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси	58,5	55,5	94,9
35.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	81,9	78,6	95,9
36.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	267,6	255,0	95,3
37.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)	13,0	12,4	95,2
38.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)	1,3		
39.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	1 508,7	1 501,9	99,5
40.	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	1 160,2	1 156,3	99,7
41.	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	8,4	8,2	97,9
42.	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши	34,1	32,5	95,4
43.	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	26,6	26,6	99,9
44.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	207,0	21,8	10,5
45.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси	485,9	479,3	98,6
46.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	22,7	21,5	94,7
47.	Президент таълим муассасалари агентлиги	407,8	344,9	84,6
48.	“Ўзархив” агентлиги	11,1	11,0	98,7
49.	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги	231,0	222,3	96,2
50.	Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги	240,8	208,7	86,6
51.	Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги	43,3	39,5	91,3
52.	Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги	5,3	5,3	99,9
53.	Республика Маънавият ва маърифат маркази	66,1	54,2	82,0
54.	Гидрометеорология хизмати маркази	176,7	151,6	85,8

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	фоизда
55.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази	14,2	13,7	96,1
56.	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги	259,7	257,4	99,1
57.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	48,7	48,7	100,0
58.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги	60,1	59,6	99,2
59.	Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин қизлар давлат қўмитаси	66,7	50,4	75,6
60.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	348,6	344,1	98,7
61.	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги	495,3	356,5	72,0
62.	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги	1 159,3	1 102,3	95,1
63.	Бошқа ташкилотлар	34 200,1	34 104,2	99,7

Халқ таълими вазирлиги бўйича аниқланган режа 28 126,5 млрд сўмни, ижроси 27 955,9 млрд сўмни ташкил этиб, бажарилиши 99,4 фоизни ташкил этган.

Жумладан жорий харажатларга 26 826,4 млрд сўм, Республика мақсадли китоб жамғармасига трансферт харажатлари 807,8 млрд сўм ҳамда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш(реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 321,7 млрд сўм сарфланган.

Мактабгача таълим вазирлиги бўйича аниқланган режа 5 747,1 млрд сўм бўлиб, ижроси 5 640,0 млрд сўмни ташкил этган.

Шундан, жорий харажатларга 5 477,6 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 162,4 млрд сўм йўналтирилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйича аниқланган режа 4 157,3 млрд сўм бўлиб, ижроси 3 963,8 млрд сўмни ташкил этган.

Шундан, жорий харажатларга 3 749,8 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 214,0 млрд сўм йўналтирилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари бўйича аниқланган режа 5 024,9 млрд сўм бўлиб, ижроси 4 759,6 млрд сўмни ташкил этган.

Шундан жорий харажатларга 4 243,1 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 516,5 млрд сўм йўналтирилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бўйича аниқланган режа 638,7 млрд сўм бўлиб, ижроси 637,7 млрд сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 99,9 фоизни ташкил этган.

1. Бюджет кодексининг 102-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ҳар бир дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасаси бўйича харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган йиллик жамланма харажатлар сметалари асосида хорижий ва миллий валютада тузилиши белгиланган.

Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг кўшма қарорларига (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 мартда 3291-сон рақам билан рўйхатдан ўтказилган*) мувофиқ консуллик ҳаракатлари амалга оширилгани учун келиб тушган ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимнинг **70 фоизи Давлат бюджетига**, 30 фоизи эса Ўзбекистон Республикасининг Дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгиланган.

Давлат бюджетига тааллуқли (70 фоиз) маблағлар Ўзбекистон Республикаси хорижий муассасаларининг **тасдиқланган смета харажатларини молиялаштириш учун сарфланиши белгиланган.**

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан 2022 йилда консуллик харажатларини амалга оширганлик учун консуллик ва бошқа йиғимлардан келиб тушган маблағларнинг (70 фоиз) ҳисобидан **109,8 млрд сўм** миқдоридagi Ўзбекистон Республикаси хорижий муассасаларининг сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ҳисоботда касса ижросида акс эттирилиб, тасдиқланган смета харажатларининг режа кўрсаткичларида акс эттирилмаган.

2. Бюджет кодексининг 165-моддасига асосан Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат.

Бюджет кодексининг 70-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан белгиланган тартибда юридик шахсларга ажратиладиган бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳамда чет давлатларга кредитлар **республика бюджети харажатлари таркибига киритилган.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси давлат молияси статистикасини халқаро стандартларга мослаштириш учун 2022 йилда давлат қарзларини (асосий қарз) сўндириш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибига киритилмайдиган миқдори 8 713,7 млрд сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорига мувофиқ 2022 йил якуни бўйича вазирлик ва идораларда мақсадли индикаторлар бажарилиши Ҳисоб палатаси томонидан февраль-март ойларида аудитдан ўтказилган.

Қарор билан 40 та вазирлик ва идораларга 2022 йилда белгиланган 547 та мақсадли индикаторлар прогнозини бажариш учун 28,6 трлн сўм бюджет маблағларини ажратиш кўзда тутилиб, йил давомидаги мақбуллаштириш натижасида 35,5 трлн сўм ажратилган ва шундан 32,1 трлн сўми сарфланган.

Индикаторларнинг 360 таси (65,8 фоиз) тўлиқ ва 128 таси (23,4 фоиз) қисман бажарилган бўлса, 59 таси (10,8 фоиз) умуман бажарилмаган.

Мақсадли индикаторларнинг бажарилиши тўғрисидаги аудит натижалари бўйича батафсил маълумотлар Ҳисоб палатаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2023 йил 19 майда киритилган.

4.3 Республика бюджетидан 2022 йилда ажратилган мақсадли субсидиялар

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 12 260,8 млрд сўм миқдорида субсидиялар ажратилган. Жумладан:

- давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун – 2 343,1 млрд сўм субсидия;

- “UzGasTrade” АЖнинг табиий газни харид қилиш ва реализация қилиш баҳолари ўртасидаги тафовут оқибатида юзага келадиган зарарларнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ харажатлар учун – 6 685,3 млрд сўм субсидия;

- аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар – 526,1 млрд сўм субсидия;

- иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларини паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун – 907,7 млрд сўм субсидия;

- ҚҚС тўловчиси бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари томонидан етиштирилиб, сотилган маҳсулотлар учун – 477,8 млрд сўм субсидия;

- жисмоний шахслар томонидан хонадонларда етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосили учун – 107,6 млрд сўм субсидия;

- қоракўлчилик кластерларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқларни, шунингдек дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станцияларини қуришга – 4,9 млрд сўм субсидия;

- наслдор қорамол, қўй ва эчки, она балиқ ва жўжаларни сотиб олиш учун – 37,3 млрд сўм субсидия;

- Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан бюджет ссудаси ва тижорат банкларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни ҳамда пахта хом-ашёсини машинада териш харажатларининг

бир қисмини қоплаш учун – 276,6 млрд сўм субсидия;

- пахта хом ашёси етиштирувчилари томонидан томчилатиб суғоришни жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш ҳамда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидиялар учун - 76,6 млрд сўм субсидия;

- экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун – 309,9 млрд сўм субсидия;

- экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш учун – 44,7 млрд сўм субсидия;

- фермер хўжаликлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қийматини қоплаш учун – 41,9 млрд сўм субсидия;

- аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун – 94,7 млрд сўм субсидия;

- авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипталар нархининг бир қисмини қоплаш учун – 32,9 млрд сўм субсидия;

- ёшларнинг бандлигига қўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун – 21,0 млрд сўм субсидия;

- хуудларда жамоат транспорти учун – 10,9 млрд сўм субсидия;

- бошқа мақсадлар учун – 261,8 млрд сўм субсидия.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2021 йилдаги ПФ-6208-сон Фармони билан Молия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Давлат бюджетидан тўланадиган субсидиялар, компенсациялар ва бошқа имтиёزلарни ажратишнинг ошкоралигини таъминлаш, мазкур жараёнда бюрократия ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, фуқароларга юзага келган муаммолар тўғрисида бевосита масъул мансабдор шахсларга хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида махсус электрон платформани ишлаб чиқиш топширилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.02.2022 йилдаги ПҚ-128-сонли қарорида субсидия, компенсация ва грантларни ажратиш бўйича махсус ягона электрон платформани ишга тушириш топшириғи берилган.

Юқоридаги топшириқ ижроси доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан “subsidiya.mf.uz” электрон платформаси ишга туширилган.

Мазкур платформанинг техник топшириғи бўйича 18 та вазирлик ва идоралар томонидан ажратиладиган 83 турдаги субсидиялар қамраб олинishi назарда тутилган бўлсада, амалда фақатгина Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан ажратиладиган **5 турдаги субсидияларга ариза топшириш имконияти яратилган холос.**

Ягона платформа такомиллаштирилмаганлиги ҳамда тўлақонли фаолияти йўлга қўйилмаганлиги оқибатида, давлат томонидан турли соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган 131 турдаги субсидияларни расмийлаштирилиши вазирлик ва идораларнинг электрон плафтормалари орқали амалга ошириб келинмоқда.

4.4 Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ижроси

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатлари 57 148,7 млрд сўмни ташкил этгани маълумот учун қабул қилинган бўлиб, улар 43 033,2 млрд сўмлик даромад ва 14 115,6 млрд сўмлик республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ҳисобига қопланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 94-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, 2022 йил учун мазкур бюджет лойиҳаларида тақчиллик кўзда тутилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатларининг аниқланган режаси 25 629,1 млрд сўмга оширилиб, дастлабки режадаги 57 148,7 млрд сўмдан 82 777,8 млрд сўмгача оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг касса харажатлари қуйидагиларни ташкил қилган.

17-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари 2022 йилдаги харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

Худудлар номи	Аниқланган режа	Касса ижроси	Бажарилиши	
			миқдори	фоизда
Харажатлар жами	82 777,8	88 787,5	6 009,6	107,3
Қорақалпоғистон Республикаси	5 563,3	5 939,9	376,5	106,8
Андижон вилояти	6 672,1	6 869,8	197,7	103,0
Бухоро вилояти	4 932,5	5 350,7	418,2	108,5

млрд сўм

Худудлар номи	Аниқланган режа	Касса ижроси	Бажарилиши	
			миқдори	фоизда
Жиззах вилояти	3 803,4	3 928,5	125,1	103,3
Қашқадарё вилояти	8 396,2	8 812,2	416,1	105,0
Навоий вилояти	3 195,3	3 469,1	273,8	108,6
Наманган вилояти	6 636,3	6 927,5	291,3	104,4
Самарқанд вилояти	7 558,0	7 889,6	331,6	104,4
Сурхондарё вилояти	6 198,8	6 527,9	329,1	105,3
Сирдарё вилояти	2 606,3	2 671,1	64,8	102,5
Тошкент вилояти	6 524,4	6 838,2	313,9	104,8
Фарғона вилояти	8 244,9	8 749,0	504,1	106,1
Хоразм вилояти	4 303,9	4 485,5	181,6	104,2
Тошкент шаҳри	8 142,7	10 328,5	2 185,7	126,8

Бюджет кодексининг 26-моддасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботлари Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилиб, улар юзасидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига хулосалар тақдим этилди.

4.5 Бюджетлараро муносабатлар

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар маҳаллий бюджетларига жами 14 115,6 млрд сўм тартибга солувчи трансфертлар ажратилган.

18-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар маҳаллий бюджетларига 2022 йилда ажратилган тартибга солувчи трансфертлар тўғрисида маълумот

млрд сўм

№	Худудлар	Ажратилган тартибга солувчи трансфертлар миқдори
	Тартибга солувчи трансфертлар, жами	14 115,6
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 518,0
2	Андижон вилояти	1 682,3

№	Худудлар	Ажратилган тартибга солувчи трансфертлар миқдори
3	Бухоро вилояти	442,3
4	Жиззах вилояти	824,6
5	Қашқадарё вилояти	2 051,3
6	Наманган вилояти	1 704,8
7	Самарқанд вилояти	1 008,0
8	Сурхондарё вилояти	1 987,0
9	Сирдарё вилояти	673,2
10	Фарғона вилояти	1 377,4
11	Хоразм вилояти	846,6

Бюджет кодексининг 138 - моддасига асосан молия йили мобайнида юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларини қоплаб бериш учун 2022 йил давомида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига 28 452,9 млрд сўм маблағлар ажратилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг республика бюджети олдида 1 138,8 млрд сўм миқдоридagi бюджет ссудасидан қарздорлиги мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига 2022 йил мобайнида 1 570,9 млрд сўмлик шундан, 791,9 млрд сўмлик қисқа муддатли бюджет ссудаси ҳамда 779,0 млрд сўмлик узоқ муддатли бюджет суддалари ажратилган.

Йил давомида 1 239,8 млрд сўмлик бюджет ссудаси қайтарилган.

Шундан 1 226,6 млрд сўми пул кўринишида ҳамда 13,7 млрд сўми ўзаро ҳисоб-китоблар орқали қайтарилган.

2023 йил 1 январь ҳолатига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 1 470,0 млрд сўм миқдоридa бюджет ссудасидан қарздорлик мавжуд.

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар
маҳаллий бюджетларига 2022 йилда ажратилган бюджет ссудалари
тўғрисида маълумот**

млрд сўм

Худудлар номи	1 январь 2022 йил ҳолатига қарздорлик	2022 йилда жами ажратилган бюджет ссудаси	шундан		Жами қайтари лган сумма	2023 йил 1 январь ҳолатига қарздорлик
			қисқа муддат	узоқ муддатли		
Жами	1 138,8	1 570,9	791,9	779,0	1 239,8	1 470,0
Қорақалпоғистон Республикаси		81,7	33,7	48,0	41,1	40,6
Андижон вилояти	39,7	63,8	14,8	49,0	54,5	49,0
Бухоро вилояти	30,0	6,2	6,2		36,2	
Жиззах вилояти	2,7	42,8	17,8	25,0	20,5	25,0
Қашқадарё вилояти	26,7	128,4	28,4	100,0	55,3	99,8
Навоий вилояти		50,0	50,0		50,0	
Наманган вилояти	106,7	41,4	8,4	33,0	8,4	139,7
Самарқанд вилояти	235,0	52,3	30,3	22,0	45,7	241,6
Сурхандарё вилояти	11,8	129,3	63,3	66,0	75,1	66,0
Сирдарё вилояти		16,1	16,1		16,1	
Тошкент вилояти	105,0	92,2	47,2	45,0	152,2	45,0
Фарғона вилояти	38,5	60,8	9,8	51,0	9,8	89,5
Хоразм вилояти		67,7	27,7	40,0	27,7	40,0
Тошкент шаҳри	542,8	738,2	438,2	300,0	647,2	633,8

Тақдим қилинган ҳисоботга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-73-сонли қарорининг 2-бандига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига 2022 йилда 3 546,1 млрд сўм ўтказиб берилган.

4.6 Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари

Тақдим этилган ҳисоботга кўра 2023 йил 1 январь ҳолатига жами дебитор қарздорлик 67 850,7 млрд сўмни ташкил этиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 53 163,6 млрд сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 14 687,1 млрд сўмни ташкил этган.

2023 йил 1 январь ҳолатига жами муддати ўтган дебитор қарздорлик 517,5 млн сўмни ташкил этиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 24,2 млн сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 493,3 млн сўмни ташкил этган.

2023 йил 1 январь ҳолатига мавжуд дебитор қарздорликлар 2022 йил 1 январь ҳолатидаги дебитор қарздорликка нисбати ўзгариши қуйидаги жадвалда акс этирилган.

20-жадвал

Давлат бюджетининг дебиторлик қарздорликлари тўғрисида маълумот

млрд сўм

Харажатлар таркиби	Жами	шундан	
		бюджет маблағлари бўйича	бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
2022 йил 1 январь ҳолатига			
Дебиторлик қарзи – жами	16 092,1	8 461,5	7 630,7
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	3,4	0,5	2,9
Иш ҳақидан ажратмалар	1,2	0,5	0,7
Капитал қўйилмалар	3 086,9	1 696,8	1 390,1
Бошқа харажатлар	9 794,0	6 762,1	3 032,0
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	3 206,5	1,5	3 205,0
2023 йил 1 январь ҳолатига			
Дебиторлик қарзи – жами	67 850,7	53 163,6	14 687,1

Харажатлар таркиби	Жами	шундан	
		бюджет маблағлари бўйича	бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар			
Иш ҳақидан ажратмалар			
Капитал қўйилмалар	2 574,0	1 425,1	1 1490,0
Бошқа харажатлар	61 168,9	51 738,0	9 431,0
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	4 107,7	0,6	4 107,1
Ўсиши/камайиши (фоизда)			
Дебиторлик қарзи – жами	421,6	628,3	192,5
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар			
Иш ҳақидан ажратмалар			
Капитал қўйилмалар	83,4	84,0	82,7
Бошқа харажатлар	624,6	765,1	311,1
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	128,1	39,6	128,1

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, 2022 йил якунида шаклланган жами дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан қарийб 6,2 бараварга ошган.

Харажатлар гуруҳлари кесимида дебитор қарздорликлар, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 3 448,0 млн сўмни, иш ҳақидан ажратмалар 1 203,9 млн сўмни, капитал қўйилмалар бўйича 3 086,9 млрд сўмни, бошқа харажатлар бўйича 9 794,0 млрд сўмни, гуруҳларга киритилгандан ташқари харажатлар бўйича 3 206,5 млрд сўмни ташкил этиб, бошқа харажатлар бўйича 6,2 бараварга ва гуруҳларга киритилгандан ташқари харажатлар бўйича 1,2 бараварга ошган.

Ҳисобот бўйича молиявий активлар бўйича харажат ва мажбурият 2023 йил 1 январь ҳолатига 43 527,9 млрд сўмни, шундан депозитлар 15 066,6 млрд сўмни, кредит ва қарзлар 28 423,1 млрд сўмни ва ссудалар 38,2 млрд сўмни ташкил қилади.

Резидент-юримдик шахсларга берилган 43 527,9 млрд сўм кредитлар, депозит ҳамда узоқ муддатли ссуда маблағлари ҳисоботларда акс эттирилган.

2022 йилда бюджет ташкилотлари учун коммунал тўловлар ва ёқилғи маҳсулотларининг нархи ошганлиги дебитор қарздорликларнинг ўсишига таъсир қилган.

Дебитор қарздорлик таҳлили

1. Аудит жараёнида 2023 йил 1 январь ҳолатига республика бюджетининг резидент-юридик шахсларга берилган кредит ва ссуда маблағлари ҳамда жойлаштирилган депозит суммалари бўйича дебитор қарздорлик жами 59 535,1 млрд сўмни, (45 401,3 млрд сўм ва 1 255,7 млн долл.) ташкил қилиши ёки ҳисоботда дебитор қарздорликлар **16 007,2 млрд сўмга кам акс эттирилганлиги маълум бўлди.**

Жумладан:

– 2023 йил 1 январь ҳолатига резидент-юридик шахсларга берилган кредит ва ссуда суммалари ҳамда жойлаштирилган депозит суммалар бўйича дебитор қарздорлик **17 064,9 млрд сўмни** ҳамда 23,4 млн АҚШ доллари (262,8 млрд сўм);

– тижорат банкларига жойлаштирилган депозитлар бўйича **1 668,3 млрд сўм** ва 1 232,3 млн АҚШ доллари (**13 870,9 млрд сўм**)ни;

– ипотека ва уй-жой қурилиш дастурларини шакллантириш, соҳани ривожлантириш ва молиялаштириш дастурларини молиялаштириш учун банкларга депозитга маблағ жойлаштирилган ва кредит бўйича 2023 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарз жами **26 668,1 млрд сўмни** ташкил қилади.

2023 йил 1 январь ҳолатига резидент-юридик шахсларга берилган қарзлар доирасида **79 та** шартнома бўйича **557,3 млрд сўмлик** муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори-дармон бўйича 2023 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарзи **401,3 млрд сўмни**, шундан муддати ўтган дебитор қарздорлик **312,7 млрд сўмни** ташкил қилган.

Муддати ўтган дебитор қарздорликни **1,1 млрд сўми** 2012 йилда пайдо бўлган ва мол етказиб берувчи корхонанинг фаолияти тугатилганлиги сабабли маблағлар қайтарилмаган ёки маҳсулотлар етказиб берилмаган.

Дебитор қарздорликни **311,6 млрд сўми** 2021 йилда шаклланган бўлиб, 2022 йил давомида товар етказиб берувчилардан маҳсулотлар харид қилинмаган ёки маблағлар қайтарилмаган.

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 21 октябрда 291-сонли “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус “2-сон Зангиота” шифохонаси фаолиятини қисман тўхтатиш тўғрисида” буйруғи тасдиқланган.

Буйруқнинг 3-бандида Республика махсус “2-сон Зангиота” шифохонасидаги барча дори воситалари, тиббий жиҳозлар ва ҳимоя воситаларини 10 кун муддатда вазирлик тизимидаги бошқа тиббий муассасаларга қайта тақсимлаб бериш кўрсатилган.

Давлат бюджетидан 2023 йилга маблағ режалаштирилишида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобга олинган бўлсада, **12,2 млрд сўмлик** дори-дармон ва тиббий буюмлар ҳисобга олинмаганлиги оқибатида ушбу қолдиқдаги дори-дармонлар бугунги кунгача ҳаракатсиз қолмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасида 2020 йил 22 февралда 03-05-20/1-сонли шартнома имзоланган.

Шартномага асосан Марказ 6,0 млрд сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун давлат бюджетидан 3 фоизлик бюджет ссудасини олган бўлиб, ссудани қайтариш муддати 25.03.2020 йилдан бошланиб, 2021 йил 25 декабрда яқунланиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 июндаги 308-Ғ фармойишига асосан ссудани қайтариш муддати 2023 йил 1 апрелга қадар, 2023 йил 8 майдаги 246-Ғ/8-сонли фармойиши билан ссудани қайтариш муддати 2024 йил 1 октябрга қадар узайтирилган.

Маълумот учун: Марказда 2019-2020 йилларда ўтказилган текширишида 29,6 млрд сўмлик маблағлар талон-тароғ қилинганлиги аниқланган.

5. Молия вазирлигидан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга 2020 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармонида асосан, **4 394,5 млн сўм** фоизсиз бюджет ссудаси берилган ва ссудани қайтариш муддати 2021 йил 31 декабрга белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Худудларнинг транспорт тизими моделларини ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқдан туман марказигача ҳамда туман марказидан вилоят марказигача транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш” тўғрисидаги 73-сонли Раёсати мажлисининг баёни 14-бандига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга берилган ссудани қайтариш муддати 2022 йил 31 декабргача узайтирилган.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 01.01.2023 йилгача бюджет ссудаси умуман қайтарилмаган.

Шартнома муддати тугаган бўлсада (қўшимча битим имзоланмаган), берилган ссуда 2023 йил 1 майгача ундирилмаган.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талаблари асосида Молия вазирлиги билан “Тошкент Метрополитени” УК ўртасида 2020 йил 28 майда имзоланган шартномага асосан 6 723,8 млн сўм фоизсиз бюджет ссудаси ўтказиб берилган.

Ссудани қайтариш муддати 2021 йил 30 декабрь этиб белгиланган бўлиб, маблағ бугунги кунгача қайтариб олинмаган.

Ўз вақтида қайтарилмаган суммага 309,0 млн сўм пеня ҳисобланган бўлиб, жами қарз 7 032,8 млн сўмни ташкил этган.

Шунингдек, Молия вазирлиги билан “Тошкент Метрополитени” УК ўртасида 2020 йил май-август ойларида 4 та шартномага асосан 24 392,3 млн сўм бюджет ссудаси ажратилган.

Шартномага асосан ссудани қайтариш муддати 2022 йил декабрь ойи этиб белгиланган.

“Тошкент Метрополитени” УКга қарз маблағларни тўламаганлиги учун 1 120,9 млн сўм пеня ҳисобланган.

“Тошкент Метрополитени” УК нинг бюджет олдида 2023 йил 1 январь ҳолатига 32 545,9 млн сўм қарздорлиги мавжуд.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 февралдаги 31-01326-сон хат билан мавжуд ссудадан бўлган қарздорликни сўндириши бўйича огоҳлантириши хати юборилган.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 мартдаги “Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 158-сонли қарорига асосан ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖларга 2018 йилда 15 йил муддатга (3 йил имтиёзли давр билан) 2 040,5 млрд сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига (имтиёзли давр тугагандан бир йил ўтиб) қарздорлик бюджет ҳисобига умуман ундирилмаган.

Ссудани қайтариш муддати 2033 йил 30 декабрь этиб белгиланган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6262-сон Фармонига асосан ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖлар тугатилиши белгиланган.

Тақдим этилган 2023 йил 1 январь ҳолатидаги ҳисоботларга кўра жами **кредитор қарздорлик** 17 683,1 млрд сўмни ташкил этиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 9 161,5 млрд сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 8 521,6 млрд сўм.

2023 йил 1 январь ҳолатига мавжуд кредитор қарздорликларни 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан ўзгариши қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

**Давлат бюджетининг кредиторлик қарздорликлари тўғрисида
маълумот**

млрд сўмда

Харажатлар таркиби	Жами	шундан	
		бюджет маблағлари бўйича	бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
2022 йил 1 январь ҳолатига			
Кредиторлик қарзи – жами	12 799,3	6 481,7	6 317,6
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	3 336,7	3 116,3	220,4
Иш ҳақидан ажратмалар	1 145,3	1 077,8	67,5
Капитал қўйилмалар	1 538,1	1 316,9	221,3
Бошқа харажатлар	1 965,6	970,3	995,3
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	4 813,6	0,5	4 813,2
2023 йил 1 январь ҳолатига			
Кредиторлик қарзи – жами	17 683,1	9 161,5	8 521,6
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	3 955,9	3 771,6	184,3
Иш ҳақидан ажратмалар	1 373,0	1 321,2	51,8
Капитал қўйилмалар	1 646,2	1 369,4	276,8
Бошқа харажатлар	4 978,6	2 699,1	2 279,5
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	5 729,4	0,3	5 729,2
Ўсиши/камайиши (фоизда)			
Кредиторлик қарзи – жами	138,2	141,3	134,9
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	118,6	121,0	83,6
Иш ҳақидан ажратмалар	119,9	122,6	76,7
Капитал қўйилмалар	107,0	104,0	125,1
Бошқа харажатлар	253,3	278,2	229,0
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	119,0	63,2	119,0

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, 2022 йил якунида шакланган жами 17 683,1 млрд сўм кредитор қарздорлик ўтган йилги кредитор қарздорликка нисбатан 1,4 бараварга ошгани маълум бўлди.

Харажатлар гуруҳлари кесимида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақига ажратмалар 1,2 бараварга, капитал қўйилмалар 1,1 бараварга, бошқа харажатлар 2,5 бараварга, шунингдек гуруҳларга киритилганидан ташқари кредитор қарздорликлар 1,2 бараварга ошган.

4.7 Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича

4.7.1. Бюджет кодексининг 122-моддасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар юридик мажбуриятлар юзага келишини тасдиқловчи ҳужжатларни ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказиш учун молия йилининг 25 декабридан кечиктирмай тақдим этишлари белгиланган.

Ғазначилик органларида 2022 йил 25 декабрдан кейин **3 834 та** ҳолатда **4 642,1** млрд сўмлик шартномалар рўйхатдан ўтказилган.

4.7.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.04.2022 йилдаги ПҚ-208-сон қарорининг 2-бандига асосан бюджет тизими бюджетларидан асосий воситаларни харид қилиш ҳамда бино ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни йил якунига қадар тўхтатиш чораларини кўриш белгиланган.

Бироқ, Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағи олувчиларнинг 2022 йил 16 апрелдан ушбу йилнинг якунига қадар асосий воситаларни харид қилиш ҳамда бино ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ умумий қиймати **34,2** млрд сўмлик **396 та** шартномалари рўйхатдан ўтказилиб, **34,1** млрд сўмлик тўловлар амалга оширилган.

4.7.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПҚ-73-сонли қарорининг 16-бандига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб, бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат харидлари учун тўловлар фақат электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштирган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Танлов йўли билан ўтказилган таҳлиллар натижасида солиқ органларининг электрон тизимида ҳисобга олинмаган умумий қиймати **140,8** млрд сўмлик **31 та** ҳисобварақ-фактуралари бўйича тўловлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

4.7.4. Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштирилиши.

Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштирилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан танлов йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 24 ноябрь куни ўтказилган йиғилишнинг 94-сонли баёни 6-бандида жалб этилган еврооблигация маблағларидан **1 трлн сўмни** Халқбанки, Микрокредитбанк ва

Агробанкка оилавий тадбиркорлик дастурлари учун ресурс сифатида жойлаштириш вазифаси юклатилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда 400 млрд сўм ва 2021 йилда 600 млрд сўм жами 1 трлн сўм маблағлар тегишли шартномаларга асосан банк депозитларига жойлаштирилган.

Банклар билан тузилган депозит шартномаларига асосан банкларга маблағлар ҳақиқатда келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб депозит шартномасида кўрсатилган муддат ва миқдорда ғазначиликка йиллик 12 фоиз ставкада устама тўланиши белгиланган.

Тегишли қўшимча келишувларга асосан депозит фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий фоиз ставкасидан 3 фоиз чегирган ҳолда белгиланиши назарда тутилган бўлсада, банклар томонидан аудит даврига қадар йиллик 11 фоиз ставкада устама тўланган.

Депозит шартномаларига асосан 28.12.2021 йилда ва 15.01.2022 йилда қайтарилиши лозим бўлган 1 трлн сўмдан Халқбанки томонидан 375 млрд сўми қайтарилган.

Агробанк (370 млрд сўм) ва Микрокредитбанкда (255 млрд сўм) жойлаштирилган жами 625 млрд сўм миқдоридаги депозитларнинг муддатлари тегишли қўшимча келишувларга асосан 1 йилдан 3 йилга узайтирилган.

Ушбу 625 млрд сўм маблағни Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2018 йилдаги 383-сонли қарорининг 1-бандига асосан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган ставкада банк депозитларига жойлаштириш имкониятидан фойдаланилмаган.

Шу билан бирга, 2020 йил 11 декабрдан 2022 йил 17 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий фоиз ставкаси 14 фоиз бўлган бўлса, 2022 йил 18 мартдан 9 июнга қадар – 17 фоиз, 2022 йил 10 июндан 21 июлга қадар – 16 фоиз, 2022 йил 22 июлдан 2023 йил 16 мартга қадар – 15 фоиз ва 2023 йил 17 мартдан аудит даврига қадар – 14 фоиз этиб белгиланган.

Агробанк ва Микрокредитбанк билан тузилган депозит шартномалар ва уларга қўшимча келишувларнинг шартларидан келиб чиқиб, фоиз ставкалари 2022 йил 18 мартдан 9 июнга қадар – 14 фоизни, 2022 йил 10 июндан 21 июлга қадар – 13 фоизни, 2022 йил 22 июлдан 2023 йил 16 мартга қадар – 12 фоизни ташкил этиши лозим бўлган.

Натижада, 2023 йилнинг 1 май ҳолатига юқоридаги 2 та тижорат банкларнинг фоиз тўловлар бўйича давлат бюджетидан **8,4 млрд сўм** қарздорликлари вужудга келган. Шундан, 4,9 млрд сўми Агробанк ва 3,4 млрд сўми Микрокредитбанк хиссасига тўғри келади.

Аудит жараёнида тижорат банкларнинг фоиз тўловлардан мавжуд 8,4 млрд сўм қарздорликлари Ягона ғазна ҳисобварағига ундирилиши таъминланди.

4.7.5. Давлат харидлари бўйича.

а) Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган иқтисодий жиҳатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш тартибини (баҳолашнинг нархга асосланмаган мезонларини) ишлаб чиқиши ва харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шакллари тасдиқлаши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 67-бандига асосан танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

Аудит даврига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Қонун талабларидан келиб чиқиб, иқтисодий жиҳатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш тартиби ҳамда харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шакллари тасдиқланмаган.

Оқибатда 2022 йилда ўтказилган тендер (танлов) савдоларида давлат буюртмачилари томонидан таклифларнинг техник ва нарх қисмини баҳолаш учун нисбий қийматлар ихтиёрий равишда амалга оширилган.

Натижада, 2022 йилда harid.uzex.uz электрон платформаси орқали 56,3 мингта 35 791,2 млрд сўмлик тендер (танлов) савдолари ўтказилган бўлса, шундан энг паст нарх усулида 6,7 мингта (12 фоиз) жами 17 481,7 млрд сўмлик (49 фоиз), балл усулида 49,6 мингта (88 фоиз) жами 18 309,5 млрд сўмлик (51 фоиз) савдолар ўтказилган.

Шундан, балл усулида ўтказилган тендер (танлов) савдоларининг 98 фоизи (17 937,5 млрд сўмлик 48,8 мингта) техник қисмининг нисбий қиймати нарх қисмининг нисбий қийматига нисбатан юқори белгиланган бўлиб, ушбу тендер (танлов) савдолари орқали харид қилинган товар (иш, хизмат) нархларининг аҳамияти паст даражада бўлган.

Бунинг оқибатида ҳамда таклифларни баҳолаш жараёни тартибга солинмаганлиги сабабли балл усулида ўтказилган **6 952 та** тендер (танлов) савдоларида давлат буюртмачиларининг харид комиссиялари томонидан баҳолаш ихтиёрий равишда, ягона ёндашувсиз, балларни тақсимлаш орқали амалга оширилиб, таклифнинг техник қисмидаги барча мезонлар бўйича мос келган ва энг паст нарх таклиф қилган иштирокчиларнинг таклифларига нисбатан **183,2 млрд сўмга** юқори нарх таклиф қилган иштирокчилар қолиб деб топилган ва харидлар амалга оширилган;

б) “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан бюджет буюртмачиларининг давлат харидлари бўйича тўловлари махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш ва улар тўғрисида ахборот жойлаштириш жараёнлари тугаганидан кейин Ҳазначилик хизмати қўмитаси

томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши;

Қонуннинг 47-моддасига асосан қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот шартномаларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмаслиги, шунингдек, Қонуннинг 61, 62, 70 ва 71-моддаларида шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шартлиги белгиланган.

Таҳлилларга кўра, 2022 йил давомида бюджет буюртмачиларининг **6 149,7** млрд сўмлик **5 098** та шартномаси тўғрисидаги маълумотлар махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлсада, ушбу шартномалар бўйича **5 782,2** млрд сўмлик тўловлар амалга оширилган;

в) Бюджет кодексининг 122-моддасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартномалари жорий молия йили доирасида амал қилиш муддати билан тузилиши лозимлиги белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (*кейинги ўринларда – ХҚКП*) аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларига киришини таъминловчи давлат харидлари электрон тизимнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Низомнинг 23-бандига мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилгандан сўнг бюджет буюртмачиларининг шартномаларини бир иш куни мобайнида автоматик тартибда ДМБАТда рўйхатдан ўтказиши ёки ҳисобга олади, шунингдек, электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома суммасини ХҚКПга ўтказиб беради.

Бюджет буюртмачиларининг электрон савдолар доирасида тузилган шартномалари бўйича ХҚКПда банд қилинган маблағлар қолдиғи ўрганилганда, турли сабабларга кўра (*товарлар етказиб берилмаган/қабул қилинмаганлиги*) **27,8** млрд сўм маблағлар ҳаракатсиз банд қилинган ҳолда сақланиб келинаётганлиги маълум бўлди.

Банд қилинган маблағларни шартнома шартлари бўйича етказиб бериш муддати тугаган қисмини тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларга қайтариш тартиби мавжуд эмаслиги сабабли маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ишлари йўлга қўйилмаган ва тегишли чоралар кўрилмаган;

г) Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 8-бандига асосан электрон давлат харидларида иштирок этиш учун бюджет буюртмачиси операторнинг воситачилик йиғимини ХҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига ўтказиши белгиланган.

2022 йил давомида давлат буюртмачилари томонидан электрон савдолар натижасида тузилган ва кейинчалик бекор қилинган шартномалари бўйича **634,4 млн сўм** маблағ операторнинг воситачилик йиғими учун самарасиз сарфланган.

д) “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасига мувофиқ давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, Қонуннинг 67-моддасига асосан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Комплекс экспертиза қилиш марказига киритилиши белгиланган.

Аудит жараёнида 2022 йилда бюджет буюртмачилари томонидан **98 та** ҳолатда тендер савдоларини четлаб ўтиш ҳамда харид қилиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказмаслик мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлинган ҳолда энг яхши таклифларни танлаш орқали **252,8 млрд сўмлик** харидлар амалга оширилгани аниқланди.

е) “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддасига мувофиқ агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорларида, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда *(кейинги ўринларда – Экспертиза маркази)* комплекс экспертизадан ўтказилиши лозим, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.07.2022 йилдаги ПҚ-332-сон қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган низомнинг 5-бандига асосан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тузиладиган, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан юқори бўлган шартномалар, импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувлар лойиҳалари Экспертиза марказида комплекс экспертизадан ўтказилиши лозимлиги белгиланган.

Бирок, давлат буюртмачилари томонидан 2022 йил давомида Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган умумий қиймати **155,3 млрд сўмлик 16 та** тўғридан-тўғри тузилган шартномаларни комплекс экспертизадан ўтказилмасдан харидлар амалга оширилган.

ж) “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасига асосан давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очиқ ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланади.

Бюджет буюртмачилари томонидан 2022 йил давомида тўғридан-тўғри тузилган 48 та шартномаларнинг нархлари танлов йўли билан ўрганилди.

Ўрганишда рақобатли харид турларидан фойдаланилмаганлиги, давлат харидларининг электрон тизимларида товар (иш, хизмат)ларнинг нархлари бўйича таҳлил қилиш имконини берувчи маълумотлар базаси ҳамда давлат харидининг бошланғич нархини шакллантириш тартиби мавжуд эмаслиги сабабли, юқоридаги шартномалардаги **товарлар** ўртача нархга нисбатан **1 млрд сўмга юқори нархларда харид қилинганлиги** аниқланди;

з) “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида иштирокчиларга қўйиладиган талабларда иштирокчилар инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши кераклиги белгиланган.

2022 йилда давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия томонидан инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган **7 та** етказиб берувчилар билан **231 та** ҳолатда тузилган жами **3,1 млрд сўмлик** шартномалар рўйхатдан ўтказилганлиги маълум бўлди.

к) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2021 йилдаги ПҚ-57-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ давлат буюртмачиларига электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган, ишловчи ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилган.

Аудит жараёнида бюджет буюртмачилар томонидан тўғридан-тўғри шартномаларни тузишда мазкур қарор талабларига риоя этилиши танлов йўли билан ўрганилди.

Унга кўра, **66 та** бюджет буюртмачилари томонидан ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг **жамоат бирлашмалари ҳисобланмаган 6 та** ташкилотлар билан умумий қиймати **13,8 млрд сўмлик 150 та** тўғридан-тўғри шартномалар қарор талабларига риоя этилмаган ҳолда тузилганлиги аниқланди.

л) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ахборот тизими маълумотлари асосида Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан суд қарорлари ва ижро варақалари асосида амалга оширилган тўловлар таркиби танлов йўли билан ўрганилганда жами **220 та** ижро ҳужжатлари бўйича **51,1 млрд сўмлик** харажатлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Бюджет кодексининг 122-моддасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида давлат буюртмачиси бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақридагина махсус ахборот порталига жойлаштириши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2007 йилдаги ПҚ-594-сонли қарорида Ғазначиликка бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг маблағлари ҳисобидан **товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ** равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилган.

Ижро ҳужжатлари бўйича амалга оширилган харажатларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда бюджет буюртмачилар томонидан харидларнинг рақобатли усуллари четлаб ўтган ҳолда ҳамда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги, шартномалар бўйича молиялаштириш манбалари мавжуд бўлмасида шартномалар имзоланганлиги маълум бўлди.

Хусусан, ижро ҳужжатлари бўйича амалга оширилган ва белгиланган тартибда Ғазначилиги органларида рўйхатдан ўтказилмаган 24 та шартномалар бўйича 4,9 млрд сўмлик, рўйхатга олинган 25 та шартномалар бўйича 8 млрд сўмлик ҳамда пеня, давлат божи ва почта харажатлари учун 171 та ҳолатда 38,1 млрд сўмлик тўловлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан 2022 йилда юқорида қайд этиб ўтилган қонунчилик ҳужжатлари талабларига зид равишда Ғазначилик органларидан **рўйхатдан ўтмаган шартномалар** асосида **1 785 та** ҳолатда **278,3 млрд сўмлик** ва давлат ижро органининг **ижро ҳужжатларисиз 1 658 та** ҳолатда **281,8 млрд сўмлик** тўловлар амалга оширилган.

Бунда, давлат ижро органининг ижро ҳужжатларисиз суд қарорларининг ижро этилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларини четлаб ўтишга, жумладан, электрон савдо ва танлов савдолари ўтказилмаган харидлар бўйича тўловлар амалга оширилишга йўл қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунига асосан Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган бўлсада, **4 та** ҳудудда **28 та** ҳолатда **4,1 млрд сўмга** битимлар имзоланиб ҳакамлик судлари қарорлари асосида тўловлар амалга оширилган.

4.8 Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва қонунийлиги ҳамда асослилигини баҳолаш бўйича

4.8.1 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда 2634 - сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига риоя этилиши танланма усулда ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

- Бюджет тақсимловчилари ва республика бюджетидан тўғридан-тўғри маблағ олувчи ташкилотларнинг 2022 йилда ижрога қабул қилинган **7 487,2 млрд сўмлик 134 та** харажатлар сметалари юқоридаги Низомнинг 7.1 бандига амал қилинмаган ҳолда кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали электрон шаклда Молия вазирлигига юборилмаган;

- Низомнинг 38, 66 ва 68-бандларига зид равишда 455,6 млрд сўмлик **15 та** харажатлар сметалари Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган.

4.8.2 Инвестиция дастурларини шакллантириш ва ижро этилиши.

Йилдан-йилга ўтувчи объектлар.

2022 йил Инвестиция дастурига 245 та йилдан-йилга ўтувчи объектлар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик Низом талаблари асосида буюртмачи ва пудратчилар томонидан 83 та объектнинг қолдиқ ишлар қиймати нархларни кейинги йилдаги ўсиш даражасида қайта ҳисоб-китоб қилинган ва объектларнинг жами қиймати **24,1 фоизга ошган.**

Объектларнинг кейинги йилларга ўтиши ҳисобига объект қийматининг ўсиш даражаси таҳлил қилинганда, **қонунчиликдаги ноаниқликлар сабабли объектлар қийматининг нисбатан кўпроқ ўсиш ҳолатлари кузатилди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари бўйича объектлар қолдиқ ишларининг жорий йилдаги қиймати қурилиш материаллари ва бошқа харажатларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичига (коэффициентига) кўпайтирилган ҳолда аниқланиши белгиланган.

Бунда, пудрат корхоналарининг тендер савдоларидаги иштироки давомида объектнинг бошланғич (буюртмачи) қийматига нисбатан қўллаган пасайтириш коэффициенти инобатга олинмаган (чегирилмаган) яъни, кейинги йилдаги ўсиш коэффициенти тўлиқ кўпайтирган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 10 декабрдаги 71-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилишнинг иккинчи ва ундан кейинги йиллар учун контракт нархини аниқлаш бўйича методик тавсиялар”да “Нархларни шакллантирувчи элементлар (омиллар рўйхати бўйича умумий харажатларни аниқлаш учун ҳисоб-китоблар жадвал шаклда келтирилади. Бунда қурилишнинг биринчи йили учун шартнома тузиш пайтидаги харажат элементларининг қиймати кўрсатилган (жорий нархлар каталогига кўра)” деб белгиланган.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 24-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилишнинг иккинчи ва ундан кейинги йиллар учун контракт нархини аниқлаш бўйича методик тавсиялар”да “Нархларни шакллантирувчи элементлар (омиллар рўйхати бўйича умумий харажатларни аниқлаш учун ҳисоб-китоблар жадвал шаклда келтирилади: бунда К1 – пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объект қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқилган объект қурилишининг иккинчи йили учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицент объектнинг пудратчи билан тузилган шартнома нархларидан келиб чиқиб аниқланади” деб белгиланган бўлиб, 2003 йил 10 декабрдаги қўмитанинг 71-сонли буйруғи бекор қилинган.

Қурилишнинг иккинчи йили учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицентни аниқлашда танлов йўли билан 3 та объект бўйича нарх аниқловчи компонентларнинг шартнома қиймати билан ҳисобланганга нисбатан **8,9 млрд сўм фарқ кузатилди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик Низомда қурилиш объектларининг иккинчи ва кейинги йиллар учун шартномавий жорий нархларини аниқлаштириш қиймати ушбу қурилиш объекти бўйича танлов савдолари (тендер) ўтказган танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сонли қарорига мувофиқ харид комиссияси фаолияти бекор қилиниб, унинг функцияси платформа томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик низомга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 24-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилишнинг иккинчи ва ундан кейинги йиллар учун контракт нархини аниқлаш бўйича методик тавсиялар”га ўзгартиришлар киритилиши лозим.

4.8.3 Тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 июндаги 26-сонли буйруғи билан (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3255-сони рақам билан рўйхатдан ўтказилган) давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқланган.

Ушбу ҳисобот шакллари бўйича тақдим этилган маълумотлар ўрганилганда, қуйидагилар аниқланди.

а) Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот ўрганилганда, 96 та бўлим, кичик бўлим ва боб бўйича маълумотлар умуман тўлдирилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу йўналишларда 2 124,1 млрд сўм касса харажати амалга оширилган;

б) Ташқи аудит жараёнида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботда режа кўрсаткичлари давлат бюджетининг харажатлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботга нисбатан бажарилиши 144 та ҳолат бўйича 2 414,1 млрд сўмга кам, 40 та ҳолатда бўйича 802,1 млрд сўмга кўп кўрсатилган.

V. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

5.1 Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси жами даромадлари 190 529,4 млн сўмни ёки режага нисбатан 115,2 фоизни, касса харажатлари эса 167 599,8 млн сўмни ёки режага нисбатан 101,6 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

22-жадвал
млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
I.	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		2 870,3	
	<i>шундан, депозит ҳисоб рақамидаги қолдиқ</i>		<i>600,0</i>	
II.	Жами даромадлар	165 000,0	190 529,4	115,5
2.1	Республика бюджетидан молиялаштириш	165 000,0	165 000,0	100,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
2.2	Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушган даромадлар		7,1	
2.3	Мажбуриятини бажармаган стипендиантлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар		110,4	
2.4	Жамғарма чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларидаги валюталарни қайта сотиш ҳисобига қушимча даромад		14,1	
2.5	Ходимларнинг малака ошириш учун		363,2	
2.6	Халқаро форумни ташкил этиш ва утказиш учун ҳомийлик маблағлари		127,0	
2.7	Бошқа тушумлар		24 907,7	
III.	Жами харажатлар	165 000,0	167 599,8	101,6
3.1	Сақлаш харажатлари	3 000,0	2 949,3	98,3
3.2	Жамғарманинг стипендия дастурлари ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича харажатлари	162 000,0	158 507,3	97,8
3.3	Хорижий олим ва мутахассисларни ҳамда ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш		384,4	
3.4	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан		1 027,7	
3.5	Бюджет даромадига ўтказилган маблағлар		365,0	
3.6	Валюта ҳисоб рақамидан амалга оширилган харажат		8,8	
3.7	Хорижий олим ва мутахассисларнинг иш ҳақлари		4 357,3	
IV.	Ҳисобот даври охирига қолдиқ		25 799,9	

Аудит жараёнида Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисоботи ғазначилик ҳисобварақларидаги ҳаракатлар ва қолдиқлари билан солиштирилганда ҳақиқий харажатлар ва ҳисобот маълумотлари ўртасида тафовут аниқланмади.

Бюджет кодексининг 149-моддасига асосан Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатларига уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан 3 фоиздан кам миқдорда кўпайтириш ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш давлат мақсадли жамғармалари тақсимловчи органларининг тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши белгиланган.

5.2 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармасининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботга кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси жами даромадлари 432 543,4 млн сўмни ёки прогнозларга нисбатан 86,5 фоизни, касса харажатлари эса 469 151,1 млн сўмни ёки режага нисбатан 87,4 фоизни ташкил этган.

23-жадвал

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
I.	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	36 608,0	36 608,0	
II.	Жами даромадлар	500 000,0	432 543,4	86,5
	<i>шу жумладан:</i>			
	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлар	500 000,0	432 543,4	86,5
III.	Жами харажатлар	536 608,0	469 151,1	87,4
	<i>шу жумладан:</i>			
	Республика ташаббуси билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш харажатлари	536 608,0	469 151,1	87,4
IV.	Ҳисобот даври охирига қолдиқ		300,0	

Аудит жараёнида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси ҳисоботи ғазначилик ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар ва қолдиқлари билан солиштирилганда тафовутлар аниқланмади.

Бироқ, 2022 йил давомида республика жамғармасидан ҳудудий жамғармаларга ажратилган маблағлардан бугунги кунда (20.05.2023 йил) **34,1 млрд сўми** Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан кўрилган зарарлар **44 нафар** мулкдорларга тўлаб берилмаган.

5.3 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жами даромадлари 37 313,2 млрд сўмни ёки режага нисбатан 97,8 фоизни, касса харажатлари эса 36 605,3 млрд сўмни ёки режага нисбатан 99,9 фоизни ташкил этган.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
I.	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		3 694 235,5	
	<i>Пенсия жамғармаси</i>	<i>x</i>	<i>3 679 130,4</i>	
	<i>Давлат бюджети</i>	<i>x</i>	<i>14 955,9</i>	
	<i>"Ўзбекнефтгаз" АК маблағлари</i>	<i>x</i>	<i>149,2</i>	
II.	Пенсия жамғармаси даромадлари	44 360 660,6	44 272 104,4	99,8
	<i>жумладан:</i>			
2.1	Пенсия жамғармаси тушумлари	31 099 060,6	33 180 104, 4	106,7
2.2	Давлат бюджети томонидан трансфертлар	13 261 600,0	11 092 000,0	83,6
III.	Республика бюджети маблағлари <i>(болалиқдан ногиронлик, ижтимоий, дафн ва суюнчи нафақалари, уй-жой коммунал компенсация ва бир марталик тўлов)</i>		6 254 479,9	
IV.	1941-45йиллардаги уруш қатнашчиларига санатрий йўлланмаси компенсация		320,7	
V.	Яғони ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам		928 926,2	
VI.	"Ўзбекнефтгаз" АК маблағлари <i>(бензин компенсацияси)</i>		1 513,3	
VII.	Пенсия жамғармаси харажатлари	45 282 502,5	44 927 643,0	99,2
	<i>жумладан:</i>			
7.1	Пенсия ва бошқа тўловлар харажати	45 280 652,5	44 925 555,6	99,2
7.2	Бошқа харажатлари	1 850,0	2 087,4	112,8
VIII.	Республика бюджети маблағлари <i>(болалиқдан ногиронлик, ижтимоий, дафн ва суюнчи нафақалари, уй-жой коммунал компенсация ва бир марталик тўлов)</i>		6 269 392,9	
IX.	1941-45йиллардаги уруш қатнашчиларига санатрий йўлланмаси компенсация		363,5	
X.	Яғони ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам		928 926,2	
XI.	"Ўзбекнефтгаз" АК маблағлари <i>(бензин компенсацияси)</i>		1 356,5	
XII.	Ҳисобот даври охирига қолдиқ		3 023 897,8	
	<i>Пенсия жамғармаси</i>		<i>3 023 591,8</i>	
	<i>Давлат бюджети</i>			
	<i>"Ўзбекнефтгаз" АК маблағлари</i>		<i>305,9</i>	

Аудит жараёнида Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Тижорат банкларидаги ҳисоб рақамлардаги ҳаракатлар ва қолдиқлари билан солиштирилганда ҳақиқий тушумлар ва ҳисобот маълумотлари ўртасида тафовутлар аниқланмади.

Жамғарма тушумлари бўйича боқиманда қарздорлиги 2022 йил 1 январь ҳолатига **556,7** млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига **846,7** млрд сўмни ташкил этган ва йил бошига нисбатан **290,1** млрд сўмга ошган.

5.4 Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси жами даромадлари 490,8 млрд сўмни ёки режага нисбатан 72,3 фоизни, касса харажатлари эса 511,0 млрд сўмни ёки режага нисбатан 67,3 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

25-жадвал
млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Ғоизда
		прогноз	Ижро	
I.	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	91 635,9	27 261,8	
1.1	Асосий ҳисоб рақамдаги қолдиқ	91 635,9	26 722,4	
1.2	Ишсизлик нафақаси бўйича қолдиқ 3999		539,4	
II.	Жами даромадлар	679 172,2	490 825,8	72,3
2.1	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	407 109,2	407 109,2	100,0
2.2	Ижтимоий солиқдан ажратмалар	150 000,0	54 111,4	36,1
2.3	ХТУдан ажратилган кредит маблағ 3999 (Жаҳон банки маблағлари)	-	13 897,0	-
2.4	Бошқа даромадлар	122 063,0	15 708,4	12,9
III.	Жами харажатлари	759 172,2	510 971,1	67,3
3.1	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	280 000,0	275 924,8	98,5
3.2	Ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш	8 000,0	7 380,8	92,3
3.3	Ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш	155 000,0	55 715,8	35,9

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		прогноз	Ижро	
3.4	Тижорат банкларида очилган кредит линиялари бўйича ресурслар жойлаштириш	130 000,0	33 000,0	25,4
3.5	Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш	60 000,0	57 521,5	95,9
